



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 24-avgust №35 (4485)

АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Улуғ айёл шукрухи

Ватанимиз озодлигининг йигирма етти йиллиги арафасида миллий тараққиётимиз ютуқларини намоён этувчи бунёдкорлик иншоотлари, замонавий уй-жой бинолари, йўл ва кўприклар, гўзал боғлар фойдаланишга топширилаётгани, мустақиллик руҳида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани ақинлашиб келаётган улуғ айём шукруҳига шукрух кўшмоқда. Бу борада Қашқадарё заминидан амалга оширилаётган улусвор ишлар ҳам бутун мамлакатдаги она Ватанни обод ва кўркем, эл-улусни бахтли қилишга доир долзарб жараённинг узвий қисми сифатида эътибор топишмоқда.



ИЖОД МАКТАБИДА

Бу диёрда қадам қўйган зиёли борки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Абдулла Орипов номидаги ижод мактабини албатта зиёрат қилади. Иккинчи ўқув йилини бошлаётган бу маърифат ўчоғи қадим Насафнинг қутлуг даргоҳларидан бирига айланган улғурди. Бир томони ҳазрат Навоий бобомиз номидаги кўркем боғ, яна бир томони шаҳарнинг бош кўчасига туташган мактаб хийбониди шоир хайкали ёнидан ўтар экансиз, қалбингиз ифтихорга тўлади. Илк ижоди билан миллионлаб қалбларда истиклол соғинчини уйғотган, нафақат мухлислар, балки бутун халқ кўнглида шу соғинч туйғусини эъзоз этган, ушалмас армон каби олис туюлган хурриятнинг чорак асрини она халқи билан бирга шарафлаб яшаган шоир бу-

гунги авлодлар учун чинакам ибрат тим-солига айланди. Бугун шоир номидаги мактаб-интернатда сабоқ олаётган юрт фарзандлари қалбида буюк аждодлару улғур оталаримизга муносиб бўлиб камол топиш туйғуси мавж урмоқда.

Мактабда иқтидорни камолга етказиш учун муҳим шароитлар яратилган. Шундай имкониятлардан бири шинамгина ижод хонасидир. Ўқувчиларимиз бу хонада компьютер, интернет, телевизор ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус диск ва флешкаларга жойланган Абдулла Орипов ҳаёти ва ижоди, асарларига доир маълумотлар билан танишадилар. Айни чоғда, ўзлари ҳам ижод қилиб, матн кўчириш, ёзганларини таҳрир қилиш билан ҳам шуғулланишди, — дейди маънавий ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосари Ёқутхон Жамолова.

Ижод мактаби фаолият бошлаган ўтган ўқув йилида 142 нафар иқтидорли ўқувчи 5-9 синфларга қабул қилинган эди. Тўққизинчи синфни битирганлар 10-синфга ўтишди. Ҳозир янги ўқув йили учун 5-синфга қабул давом этмоқда. Бу йил юздан ортиқ талабгор ўқувчи имтиҳон топширибди. Улар орасидан энг кўп балл тўплаган ўқувчи нафар иқтидор эгаси танлаб олинди. Ижод мактаби нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, унда Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ёшлари ҳам сабоқ олишаётир. Туманлардан келганлар учун 50 ўринли интернат фаолияти йўлга қўйилган.

Ижод мактабининг аълочи ўқувчилари Жиззах тоғларидаги "ZOMINSONRAIS" оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказдилар. Юқори синф ўқувчиси Ёъзоза Алишеров аса Япония илм-фан агентлиги томонидан ўтказил-

ган "Sakura science program" ("Сакура илм-фан дастури") бўйича халқаро симпозиумда иштирок этиб қайтди. Ўнга яқин Осиё давлатлари ёшлари қатнашган анжуманда таълим жараёнига хос янгиликлар ўрганилиб, ўзаро фикр алмашилди. Анжуман қатнашчилари кунчиқар мамлакат мактаблари ва университетлари ҳаёти билан танишиб, Нобель мукофоти совриндори Амона Хироси маърузасини ҳам тинглашди. Ёъзоза япон тилида эркин мулоқот қила олгани, Абдулла Орипов шеърларини япон ва инглиз тилларида ўқигани, шунингдек, япон маданияти аънаёлари-га доир билими учун эътирофга сазовар бўлди, махсус сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Ёъзозанинг бу ютуғи ижод мактаби ёшларини илм эгаллашда ҳар жиҳатдан фаол бўлишга ундамоқда.

► 6

МАҚОМ: СЕҲРУ СИНОАТ ЖОЗИБАСИ



Қадим-қадимдан куй ва сўз мисоли эгизак. Бунга она алласи далил. Зеро, қурраи заминдаги жамики кўшиқлар она алласидан бошланган. Ривоят қилинишича, жаннатдан қувилган Одам Ато билан Момо Ҳаво бир-бирларига кўнгли кўйишиб, эгизак фарзанд кўришибди. Аллоҳнинг бу марҳаматидан боши осмонга етган Одам Ато шикор-(ов)га кетибди. Ҳаммаёқ оёйишта бўлиб, Ер юзидаги бу жимликни фақат икки чақалоқнинг бетоқат йиғлаган овози бузар экан. Момо Ҳаво нима қилишини билмай турганида унинг юрагидан бир жозибали алла кўшиғи келибди:

Алла, болам, бахтиёр,
Ҳар ишининг ҳам вақти бор.

Отанг кетган шикорга,
Алла, болам, алла-ё.

(«Асрларга тенгдош кўшиқлар» китобидан).

Бинобарин, ибтидода сўз куйдан, куй эса сўздан айро бўлмаган, зеро, қадимги даврлардан буён гўдакларнинг исталган руҳий озукаси бўлган аллада уларнинг ҳар иккиси она қалбида «кўш» туғилган. Аслида сўз ва куйнинг мутлақ уйғун ва энг гўзал намунаси Аллоҳ Таолонинг башар аҳли руҳларини яратиб, уларга қилган илк Хитоби(самовсиди)да намён бўлган экан. Бу ҳусусда таниқли муҳаддис шайх Абу Бакр Бухорий-Коллобидий (вафойи. 994 йил.) шундай дейдилар: «Самов асли андинким, Ҳаққи Субҳон айтмиш «А ласту би-Раббикум?» («Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?»). Ҳақдин эшитилмиш биринчи хитоб ушбу турур. Ва энг ёқимли самов улким Худодан эшитурсен». Хуллас, шу воқеодан бошлаб «ёқимли савтлар (куйлар) Ҳақ Таолонинг ўз бандаларига бўлган хитоби турур» (Аҳмад Хожасий Косоний).

► 5

Навоий ва учинчи мингйиллик

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИНГ ТИНИК БУЛОҒИ

Инсон деб аталмиш хилқат макони — Ер сайёрасини қамраб олган глобаллашув ва ахборот майдонининг рақамлашуви жараёнлари, улар ортидан «оломон маданият»нинг ёйилуви миллатларнинг хос хусусиятларини тобора емирмоқда. Халқнинг ўзлигини белгилаш(идентификацияси)да минг йиллар давомида синов ва тажрибадан ўтган миллий қадриятлар, аждодлардан қолган ўлмас мерос бу таҳдидларга қарши асосий Ҳимоя тўсиғига айланаётир. Теран илдизларидан озиқланмайдиган, ўзга қадриятлар домига тушган ҳар қандай миллат келажаги хавф остида қолиши аниқ. Шу жиҳатдан, ўзбек халқининг мингйилликлар билан бўйлашадиган ёзма ёдгорликлари, айниқса, улар орасида бемисл шахс — ҳазрат Алишер Навоийнинг биз авлодларга қолдирган боқий мероси миллат маънавиятини ўзликка қайтарадиган, маънавий озукка бериб турадиган ўқ томирдир. ► 3



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки давлатнинг тегишли вазирилик ва идоралари, бизнес тузилмалари, хусусан, 400 дан ортиқ тадбиркор иштирок этди.

Пойтахтимизда Савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон саноат конфедерацияси, Савдо-ванот палатаси, "Ҳиндистон — МДХ" савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда ушбу мамлакатнинг йирик компания ва корхоналарининг 100 дан ортиқ мутасаддилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, пойтахтимиздаги сармоявий муҳитнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш, инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш каби ваколатлар таҳриб тарикасида Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилиши кўзда тутилмоқда.

Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқимизга табрик йўллади.

Туркменистонда Оролни кўқариш халқаро жамғармаси (ОҚЖХ) таъсисчилари — давлат раҳбарлари саммити бошланади. Унда ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ва минтақа учун умумий бўлган тамойиллар асосида Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш мўлжалланмоқда. Ушбу йўналишдаги юксак даражали саммит тўққиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ўтказилмаётган эди.

Шаҳрисабз шаҳрида жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро маком санъати анжуманига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш доирасида Оқсарой хийбонидан ёнғин ўчириш бўйича амалий машғулот ташкил этилди.

Осиё ўйинлари-2018 дастуридаги спорт гимнастикаси мусобақаларининг таяниб сакраш баҳсларида ушбу спорт турида афсонага айланган атлетимиз Оксана Чусовитина кумуш медалга сазовор бўлди.

Осиё ўйинлари-2018 футбол мусобақалари нимчорак финал учрашувида Ўзбекистон У-23 терма жамоаси Гонконг У-23 терма жамоаси устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга йўлланма олди. Вакилларимиз энди чорак финалда Эрон — Жанубий Корея тўқнашуви голиби билан куч синашади.



Уюшма фаолиятидан

АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Куни кеча Фарғона вилоятида Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодига бағишланган "Адабиёт кунлари" доирасида таниқли адиб ва шоирлар Исмоил Маҳмуд ва Матлуба Деҳқон қизи таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ адиб ва адабиётшунос олимлар ҳар икки ижодкорга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг табриги ва эсталик совғаларини етказиб, дил сўзлари билан тадбирга ўзгача кўтаринки руҳ бағишладилар.

ТАНЛОВ

Қашқадарё вилояти Сайидо Насафий номидаги кутубхонада «Энг улуғ, энг азиз» аънавий республика танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловнинг бадий ижод йўналиши бўйича ёзувчи Юсуф Сиддиқ («Қисмат чархпалағи» романи учун), адиб Жаббор Халил («Жасур қизнинг қисмати» асари учун) ва ёш ёзувчи Нафиса Даврон («Бахт гули» ҳикоялар тўплам учун) голиб деб топилди. Голиблар диплом ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Азиз сиймо

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Азиз сиймо" деб номланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ёш китобхоналар адибининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таассуротларини ўртоқлашди. Марказ ходимлари томонидан "Халқларни бирлаштирган адиб" мавзусидаги китоблар кўргазмаси тадбирга ўзгача файз бағишлади.

ЎЧРАШҚУЛАР

Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Мустақиллик айёми арафасида "Азиз ва муқаддасан, жонажон Ўзбекистони!" шиори остида байрамолди учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳар марказий поликлиникасида ҳам шифокорлар, ҳамширалар ҳамда ишчи-ҳодимлар иштирокида "Энг улуғ, энг азиз байрам шукрухи" номи билан маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, касба уюшмаси вакиллари мустақиллик, озодлик ва тобора кўрк очиб бораётган юртимиздаги бунёдкорликлар ҳақида сўзладилар.

ФИДОЙИЛИК ЙЎЛИ

Бугун миллий адабиётимиз ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг замирида маънавиятли, ватанга садоқатли, маънавий-руҳий олами кенг авлодни тарбиялаш мақсади муҳассам.

Президентимиз жорий йил май ойида вилоятимизга ташрифи чоғида Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва ижодкорлар билан суҳбат кургандилар. Орадан кўп ўтмай бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, ёшларни ҳарбий ватанпарвар қилиб тарбиялашни босқичма-босқич амалга ошириш, уларнинг онгу шуурида улуг аждодларимизга муносиб ворис бўлиш истагини шакллантиришга хизмат қилувчи дастур ҳам ишлаб чиқилди.

Муддатли ҳарбий хизматчиларни олий ўқув юр-тларига киришга тайёрлаш учун физика, математика, инглиз, немис, рус тиллари бўйича қўшимча дарс соатлари ўтилади. Ҳарбий қисмда 2500 китоб базасига эга бўлган электрон кутубхона, интернет хонаси, информатсион технологиялардан фойдаланиш хонаси, 5000 дан ортиқ китоб фондига эга кутубхона мавжуд.

Ижодкор аскарларга таниқли адиблар томонидан мунтазам маҳорат дарслари ўтиш йўлга қўйилди. “Ёш китобхон”, “Китобхонлар беллашуви”, “Китоб – билим булоғи”, “Энг ибратли ҳарбий китобхон” танловларида Алишер Каримов, Равшан Шерманов, Хушнуд Паттоев, Одибек Эсбуганов, Абдуманноб Хайдаров, Еркинбек Жўраев каби ижодкор ҳарбий хизматчилар фаол қатнашиб, голиб бўлдилар.

Фарғона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий лицейи асосан жорий вилоятларидан ўқувчилар қабул қилади. Жорий йилда тўққизинчи синфни тамомлаб, вилоятлар Мудофаа бошқармалари томонидан ўтказилган бир неча босқичли синовлардан ўтган 600 га яқин ёшлар ичидан 150 нафари лицейга қабул қилинди. Ҳарбий лицейда жами 443 нафар ўқувчи уч босқичда таҳсил олади.

“Темурбеклар мактаби” ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда жанговар тайёргарлик кўникмаларини шакллантириш, қатор асосий фанларни ўқитиш билан бирга уларни олий

ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлайди. Ўқувчилар ҳарбий лицейда бир ярим йил ўқигач, касб танлашлари мумкин. Улар ўз билими, малакаси ва қизиқишидан келиб чиқиб йўналишлар бўйича олий ўқув юртиларни танлайдилар.

“Темурбеклар мактаби”да Ўзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда китобхонлик тadbирлари ўтказилиб турилади. “Ёш китобхон” танловида голиб

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

бўлган ўқувчилар Билолиддин ўломқодиров ва Сарвар Раҳимов бу йил Чирчиқ олий танк қўмондонлиги муҳандислик билим юртига, Музаффар Умаралиев эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли қўллар академиясига ўқишга киришга муяссар бўлдилар.

Президентимиз таклифига кўра 2019 йилда Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам ташкил этиладиган “Темурбеклар мактаби” ҳарбий лицейлари ватанпарвар ёшларимизни ўз бағрига олиши режалаштирилган. Бу эса ёшларимиз учун янада янги имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Ҳарбий хизматчилар ичида ижодга, адабиётга, шеърятга чин ихлос қўйган ёшлар ҳам кўп. Асли Жиззахнинг ўаллаорол туманидан бўлган ҳарбий хизматчи Муҳаммаджон Рўзиев вил-оятда ўтказилган китобхонлик танловида фaхрли биринчи ўринни кўлга киритганди. У жаҳон адабиётининг, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёт-

тининг энг сара намуналарини севиб ўқиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Бу йил у ҳарбий хизматни яқунлаб, Республика Қуролли қўллар академиясига юқори бал тўплаб ўқишга кирди. Муҳаммаджон, Алишер, Равшан, Билолиддин, Сарвар, Музаффар каби бўй-баста келишган, ҳарбий либослари ярашган изланувчан, иқтидорли, ватанпарвар ўғлонлар ҳақиқатдан ҳам Ватанимизнинг ёруғ юзлари, ишонч, суянч тоғларидир! Мана шундай мард ўғлонлар бор экан, юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда, биз оналарнинг кўнглимиз хотиржам, ифтихорга, ғурурга тўла, қўлларимиз эса дуода:

**Бўй-бастингга боқиб қувнайди кўзим,
Армонлар йироқлаб кетади дилдан.
Ватан хизматига шайланган ўғлим,
Сен менинг нурафшон юзимсан, билсанг.**

**Фидойилик йўли бу улуг йўлдор,
Ёруғ иқболнинг оруз мушарраф.
Ҳарбий либослари ярашган ўғлим,
Юрт қорига яраш — энг олий шараф!**

**Мардларча қадам бос мардлар сафиди,
Ишонч-ла сенга кўз тикар хур диёр.
Шу Ватанин рози қилсанг бас, ўғлим,
Халқнинг дуосида буюк ҳикмат бор.**

**Ўайрат-шижоатинг, чин муҳаббатинг
Ҳар босган зинингга шамчиқроқ бўлсин.
Ҳақ ва адолатнинг манзилларида
Айтар сўзинг кескир, дилинг пок бўлсин!**

**Ватан ҳимояси — энг муқаддас бурч,
Эл деб ёнган дилдан чекинай ўлим.
Менинг бор имконим дуоларимдир,
Менинг бор бойлигим ўзингсан, ўғлим.**

Сен Ватаниннинг ёруғ юзисан, ўғлим!

**Хуршида ВАХОБЖОН ҚИЗИ,
Ўзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Ҳалима Умнатқулова Худойбердиева 2018 йил 17 август куни 71 ёшида вафот этди.

Ҳалима Худойбердиева 1947 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилди. 1972 йили Тошкент давлат университетини, 1977 йили Москва Олий адабиёт курсини тамомлади.

У ўз меҳнат фаолиятини “Саодат” журналида бўлим муҳаррири сифатида бошлаб, узоқ йиллар давомида ушбу нашрда бош муҳаррир ўрин-босари, бош муҳаррир лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 1991-1994 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. “Ўзувчи” нашриётида, “Гулистон”, “Санам” журналларидаги иш фаолияти даврида адабиётимиз ва журналистикамиз ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Х.Худойбердиева 1991-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Ёрқин истеъдод эгаси, улкан сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиева ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва достонлари, долзарб мавзуларга бағишланган публицистик мақолаларида азиз Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат, мўтабар аёл ва она сиймосига эҳтиром туйғуларини бекиёс маҳорат билан тараннум этди. Унинг ёрқин миллий руҳ ва ҳаётини фалсафа билан йўғрилган бетакрор ижоди ўзбек адабиёти хазинасидан, эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади.

Ижодкор қаламига мансуб ўнлаб бадиий ётуқ асарлар дунёнинг кўп-ла тилларида таржима қилинди.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙҮЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, С.САИДОВ, О.ХОЖИЕВА**

ВИДО ОНЛАРИДА

Азиз Ҳалима опа!

Сизни сўнгги йўлга кузатаётган лаҳзаларда ҳар биримизнинг кўнглимиздан кўп ўйлар ўтди.

**Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам айтмадим тил учинда.
Бу талотўй, ҳув-ҳув, чоп-чоп ичинда,
Ҳалима ҳам ўтиб борар билмаслар.**

Биз Сиздан кўп нарсани — Шеърни, Матонатни, Инсонлиқни, Дарёликни, керак бўлса Тоғ бўлишни, эл-юртга, Ватанга садоқатни, хуллас кўп нарсани ўргандик.

**Она элим, дўстинга дўсту
Душманингни хавф хатарман.
Жилгалардай чуқураб ўсдим,
Йилдизингдан келган хабарман.**

Сизнинг шеърларингиз тимсолида заҳматкаш, меҳрибон, куйинчак оналаримиз қалбини, мунис ва муштирап опа-сингилларимиз қалбини, уларнинг изтироблари ва шодликлари, қайғулари ва қувончлари, орзулари ва армонларини англадик.

Булар учун раҳмат Сизга, ташаккур Сизга, Ҳалима опа!

**Аёл ўтиб борар шўх юриб,
Шамолларда соч ёйган аёл.
Ич-ичида йўлбарс ўқириб,
Сиртдан майин жилмайган аёл!**

Ҳаётнинг ҳар қандай синовларида, ҳатто оғир жудолик давларида ҳам қаддирингиз букилмади, руҳингиз син-

мади. Ҳамиша баланд бўлдингиз, ҳамиша мард келдингиз. Мард келиб, мард кетдингиз!

**Фақатгина олар дўстмас,
Берав дўстинг бўлса ҳам,
Ўзинг тик кет, омонатдир
Бир устутини ушлама.
Қабргача, ўлимгача борар
Дўстинг бўлса ҳам,
Ўлимгача ўзинг тик кет,
Йўлларда ер тиллама!**

Биз ҳаммамиз Сизни яхши кўрадик... Бошқача яхши кўрардик, Ҳалима опа. Сиз ҳам ҳаммамизни яхши кўрардингиз. Бошқача яхши кўрардингиз, Ҳалима опа! Ёмонимизни яшириб, яхшимизни ошириб, яхши кўрардингиз.

Шу самимий дийдорлар ҳаққи, шу бегубор меҳрлар ҳаққи биздан рози бўлинг, Ҳалима опа!

Шоирдай келдингиз, Шоирдай яшадингиз, Шоирдай кетдингиз!

Охиратингиз обод бўлсин! Биздан рози бўлинг!

**Тоғни титратаман,
Тоғни тилламан.
Энди очилди
Йўлларим келин!
Йилқилган байроқдек
Кўтарилмаман.
Мени кўтарувчи
Қўлларим, келин!**

Эшқобил ШУКУР

ТОЗА КЎРДИМ СИЗДА ҚАЛБНИ ҲАМ

Истиклол халқимизнинг миллий раънақи йўлида бекиёс имкониятлар яратди. Бу имкониятларнинг барчасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Айниқса, тadbиркорликка кенг йўл очилиб, соҳада фаолият юритаётганларга бир қанча имтиёзлар берилгани эндиликда ўз самарасини бераётди. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларда халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасида давлат муассасалари билан бирга хусусий шифохона ва саломатлик марказлари фаолиятини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

... Фахриддин Хирочевни кўп йиллардан буйи: “Мустақилликка эришган бўлсак, нега энди юртдошларимиз катта сарф-харажат қилиб, Хиндистон Германия каби мамлакатларга бориб даволанишлари керак?” деган савол қийнаб келарди. Роппа-роса ўн уч йил муқаддам ўша вақтда Навоий шаҳар ҳокими вазифасида ишлаётган Б. Ҳамдамов қабулгача кириб, дил ёрди:

— Шифо масканимизда бор-йўғи тўрттагина хона бор. Мурожат қилувчилар эса кўп. Айниқса, Томди ва Учқудуқ туманлари, айниқса, Зарафшон шаҳридан қатнаб даволанаётганлар қийналишпти. Йўл олиб бўлгани туфайли ҳар кун келиб-кетишнинг иложи йўқ. Шунинг учун мукаммал шифо маркази қуриш учун жой ажратсангиз савобга қоласиз...

Кўп ўтмай шаҳарнинг обод бўлаётган ҳудудидан шифохона учун салкам бир гектар ер ажратилди. Орзуси рўббга чиқаётган Фахриддин Курашев вақтни бой бермай, замонавий шифо маскани лойиҳасини тайёрлаштиришди. Лойиҳа шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасаддилар тасдиқидан ўтгач, қурилиш бошланиб кет-

ди. Умумий бинокорлик ишларига 2,4 миллиард сўм, марказни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 155 минг доллар сарфланди.

— Кўзлаган мақсаднинг эришсанг, барча қийинчиликлар унут бўларкан, — дейди майин табассум билан суҳбатдошимиз. — Эл юрт учун фойданг тегаётганидан мамнун бўлиб, умрингга умр қўшилаётгандек туюларкан... Ишим қанчалик кўп бўлмасин, барибир кутубхонамизда ўтириб мутлола қилиш учун бир-икки соат вақт топаман. Ёшлигимдан китобга ўчман-да! Соғайиб кетаётган миҳозларга ҳам китоб ўқиш — изтироблардан асрашни ўқитиб борамиз. Китоб — дўст, ҳаёт йўлини кўрсатувчи маёқ. Буни ўз ҳаётимда синаганман.

Фахриддин Курашев ёшлигида шифокор бўлишни орзу қилган. Айрим сабабларга кўра бу соҳада ўқий олмади. Шундан сўнг кундузи ишлаб, кечқурун таҳсил олди. Вақтининг кўпини кутубхоналарда ўтказди. Шу сабабли қайси шoir ёки ёзувчи ҳақида сўз борса, уларнинг бирор рубойи ёки газалидан намуна айтишга шошилади.

Ёшликдаги орзулари боис бугун “VAGUS” жаррохлик тиббиёт маркази директори сифатида фаолият олиб борапти. Умр йўлдоши Анзураҳон эса бош шифокор, тажрибали кардиолог. Келинлари ва оила аъзоларидан кўплари ҳам шифокор. Такдир орзусига етказгани шу эмасми!

Тиббиёт маркази раҳбари медицинага оид китобларни кўлдан қўймайди. «Шифо-инфо», «Шарқ тиббиёти», «Сирли табобат» каби гезета-журналлар доимий ҳамроҳи. Ахир, тиббиётчилар раҳбари ўз соҳасининг янгиликларидан бохабар бўлиб бориши керак-да.

Москвадаги Пирогов номи карди-ожаррохлик маркази билан шартнома тузилган. Ҳиндистон ва Англия сингари давлатларнинг нуфузли илмий марказлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бунинг натижасида “VAGUS”да фаолият юритаётган Аҳад Авезов чет элда малака ошириб, умумий амалиёт бўйича олий тоифали жарроҳ деган сертификат олди. У одам ички аъзоларининг барчасида жаррохлик амалиётини бекаму кўст бажариш маҳоратига эга. Ҳозир марказда етмиш нафар шифокор сидқидилдан хизмат қилмоқда. Уларнинг 14 нафари олий тоифали саломатлик посбони.

Замонавий меъморий услубида қурилган шифо маскани деворига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Шифокорлик хизматини адолатли бажарсак, бу давлат билан халқнинг ўртасида энг му-

стаҳкам кўприк бўлади», деган ҳикматли сўзлари зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган.

Тиббиёт маркази шифокорларидан миннатдор бўлиб ёзилган дил изхорлари ҳам бисёр. Мана уларнинг айримлари:

«Инсултидан сўнг соғайиш учун “VAGUS” марказига бормоқчи эдим. Марказ раҳбари Бухоро шаҳрига транспорт юбориб мушкулимни осон қилди. Айниқса, шифокорларнинг муомаласи, ширин сўзлиги мени лол қолдирди. Беморни дори эмас, ширин сўз ҳам ҳаётга қайтариши исботини шу ерда кўрдим. Марказ жамоасига омад тилайман. Альфия Фадеева».

«Ҳозир «Маликработ» кўрғониде яшайман. Касаллик хуруж қилганда яқинларим шу марказга олиб боришди. Яшашдан деярли умид узгандим. Бироқ фидойи шифокорлар менга ик-

кинчи ҳаёт бағишлашди. Барака топишсин. Санобар Холикова».

«Октош шаҳрида яшайман. “VAGUS” марказига келганимда “миома” бoр-лигини айтишди. Моҳир жарроҳ Сапура Шаввазова мени дарддан фориғ этди. Қўллари дард кўрмасин, дейман. Дилором Қўчқорова».

Дил изхорини шеърга солиб айтганлар ҳам кўп. “VAGUS” жаррохлик тиббиёт маркази шифокорлари билан хайрлашар эканман, қалби тоза саломатлик посбонлари, донишманд жарроҳлар, меҳр фаришталари бўлган ҳамшираларни яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, уларга нисбатан кўнглимда кенган туйғуларни шoir бўлганим сабабли мен ҳам шеър билан ифода этгим келди:

**Оқ халатдек тоза кўрдим сизда қалбни ҳам,
Сизни кўрган унутмайлар иллат, дардни ҳам,
Сўзингиздан топиб олдим, новот, қилдин ҳам,
Шифокорлар, хаста дилга нажот экансиз.
Доволикда ул Ҳақим Сукрот экансиз.**

**Ибн Сино руҳи силаб пешонангиздан,
Фаришталар асраб юрсин ҳар ёмон кўздан.
Мадад олинг, Гиппократ эккан илдишдан,
Шифокорлар, беморга қалб — қанот экансиз.
Яхшилик отли қўшиқча баёт экансиз.**

**Базан дўстлар, ҳамширадан жабр ҳам кўрдим,
Базиларин кўзи очик басир ҳам кўрдим.
Базиларин мол-дунёга асир ҳам кўрдим,
Шифокорлар, ёмонликка сайёб экансиз.
Эзулик деб, қақнаб турган чақмоқ экансиз.**

**Яхшилик бор, қиёматта ҳали кўп вақт бор,
Яхшиларга юракларингиз тўридан тахт бор.
Сиздайлар бор, Салониға куч-қувват, шикт бор,
Шифокорлар, кўш дунёси обод экансиз.
Сизлар асли тиббиётта авлод экансиз...**

**Шамсиддин САДОЙИ,
шoir**

“ТАФАККУР”

2018 йил, 3-сон

Журнал муқоваларида машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан адабнинг турмаъно сўзларидан иктибослар берилган. Таниқли публицист А.Мелибоев “Буюклик тимсоллари” рукнидаги “Чингиз — денгиз демак” мақоласида ёзувчи билан илк учрашуви, асарлари, публицистик чиқишлари ҳақида фикр юритиб: “Айтматов адиб сифатида ўткир қалами, зукко нигоҳи, онг-тафаккури билан бир ижодкор эришиши мумкин бўлган жамик марҳаматларга эришди, бу ёруғ оламнинг кенг ва раво-но, тош ва чағир, ойдин ва зулмат йўлларида, ҳавас ва ҳасад кўчаларида, мартаба ва улугворлик мавзеларида қутлуг из қолдирди”, деб ёзди.

“Тافаккур” мухлислари таниқли шoir Эшқобил Шукрунинг туркум шеърларини мутлола қилиб, А.Эржаевнинг “Зоҳирий ва ботиний эркинлик”, М.Раҳимнинг “Ризқ қидирган сарғашталар”, М.Йўлдошевнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ” мақолалари, шунингдек, адабиётшуно олим Ш. Ризо билан “Наҳот — Навоийда”, “На-

қшбандия” журнали бош муҳаррири С. Олим билан “Тариқат тараққийёта тўсиқми?” сарлавҳали суҳбатларни ўқишлари мумкин.

Т.Нуриддинов “Барбод бўлган миссия” мақоласида XX аср бошларида Бухоро республикаси билан Афғонистон ҳукумати ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида ёзди. Бу жараён Афғонистон ва Эрон савдогарларининг Бухоро бозорига, бухороликларнинг эса Афғонистон йўналиши орқали ташқи бозорга чиқишини таъминлар эди. Муаллиф большевиклар БХСРнинг халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъектга айланишига қаршилик кўрсатгани боис мазкур миссия қандай шароитларда барбод бўлганига эътибор қаратади.

“Такдирдаги тadbирлар” рукнидаги “Олга Чехова ким эди?” мақоласида буюк адабнинг фамилиясидан фойдаланиб, машҳурлик мақомига эришган Олга Книппер-Чехованинг афсонавий саргузаштлари ҳикоя қилинади. Журналнинг “Санъат фалсафаси”, “Мозийга қайтиб”, “Жавондаги жаҳоҳир” рукнларида ҳам қизиқарли мақола ва тadbиротлар чоп этилган.

“ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”

2018 йил, 2-сон



Журналнинг 2018 йил, 2-сон рақамлари

Журналнинг ушбу сони Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига бағишланган. Илк саҳифаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-tadbirlari тўғрисида”ги ҳамда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тadbirlar дастури тўғрисида”ги фармонлари матни билан танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродовнинг “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш — прокуратура органларининг энг устувор вазифаси”, Жаҳон Шамсиддин САДОЙИ, шoir

“San’at” 2018 йил, 2-сон

“Араб тарихчиси Ибн ан-Надим “Фехрест ул-улум” асариде ёзишча, араблар 706 йили Самарқандни истило қилганида, бу шаҳарда қозоғи ишлаб чиқариш устакхоналари борлигини кўриб ҳайратда қолишган. Улар Самарқандга етиб келгунча, бошқа бирор жойда қозоғни кўришмаган экан. Ибн ан-Надим Самарқанд қозоғи Хонбалиқ (Пекин) қозоғидан текис ва майин эканини таъкидлайди”.

“...Самарқанд қозоғи Фарб ва Шарқ давлатларида жуда машҳур бўлган. Араб, эрон қўлэзма китобларининг кўпи шу қозоғда битилган. Х асрда яшаган араб тарихчиларидан бирининг ёзишча, Хоразм камонлари, Шош идишлари ва Самарқанд қозоғига тенг келадигани бўлмаган. Самарқанд қозоғи машҳурлиги ва унга талаб юқорилиги боис турк савдогарлари ўз юртида тайёрланган қозоғни Европа бозориде Самарқанд қозоғи, деб сотишган”.

Самарқанд қозоғи тарихи билан боғлиқ яна бошқа қизиқарли маълумотларни “San’at” журналининг янги сонидан ўрин олган Б.Хожиматовнинг “Машҳур Самарқанд қозоғи: тарих ва замонавийлик уйғунлигида” номли мақоласида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, бу сондан Эртегин Саламзоданинг “Туркий халқлар санъатини даврлаштириш муаммолари”, Э.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон санъатида хитой чиннисозлиги анъаналари”, Э.Аҳмедовнинг “Тупроқ ва олов сеҳри. Уста қулол Раҳимовлар сулоласи”, И.Абдурахмоновнинг “Халқ достонлари му-



Журналнинг 2018 йил, 2-сон рақамлари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бунинг учун бой меросимизга, хусусан Навоий асарларига тез-тез мурожаат этиш, ҳозирга қадар қўлга киритилган натижаларни умумлаштириш мақсадида жиддий илмий изланишларга эҳтиёж юзга келмоқда. Янги, учинчи мингйиллик навоийшунослиги вазибаларини белгилаб олиш учун ҳам бундай тадқиқотлар жуда зарур. Алишернинг дўсти ва маслакдоши султон Хусайн Байқаронинг илмий-адабий кузатувлари асосида юзга келган ўзбек навоийшунослиги XX юзйиллик сўнгига қадар беш асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Навоий асарларининг дастлабки ўқувчиларидан бири сифатида Абдурахмон Жомий хизматла-

нинг ёшларига Навоий асарларининг қай жиҳатлари муҳим? Уларда ҳазрат асарларига қай тарзда муҳаббат уйғотиш мумкин? Ана шу масалалар бугунги ўзбек навоийшунослари олдига турибди.

Бизнингча, янги давр ўзбек навоийшунослиги қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

1. Навоийнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти бўйича шу чоққача яратилган тадқиқотларни мутлақо камситмаган ҳолда, шоирнинг илмий биографиясини қайтадан ёзиш керак. Бунда Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар билан бирга аллома тирикчилигдаёқ у ҳақда ёзила бошлаган туркий ва форсий тилдаги асарлардан тортиб ҳозиргача яратилган барча илмий

да. Агар соҳа вакилларининг ижтимоий-иқтисодий маъкеи оширилса, иқтидорли ўғил, қизларда соҳага қизиқиш уйғонади ҳамда навоийшуносларнинг янги авлоди етишади.

4. Глобал интернет тармоғида янги давр — ўзбек навоийшунослиги порталини очиш тақозо этилади. Бу порталга Навоий асарларига бағишланган илмий ишлар ва мақолаларнинг тўлиқ электрон вариантларини жойлаштириб бориш керак. Бунда ўқувчилар билан боғлиниш учун чат очиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Токи китобхонада Навоий асарларидан тушулмаган ҳар бир байт бўйича ўз сўроғини йўллаш ва унга жавоб олиш имконияти бўлсин. Порталда навоийшуносликнинг турли масалалари таҳлилига қаратилган бир неча блогерлар фаолиятини ҳам йўлга қўймоқ

Навоий ва учинчи мингйиллик

нинг оқилона бир воситаси. Тасаввур қилинг, ҳазратнинг “Нафъинг агар халққа бешакдурур. Билки, бу нафъ ўзунгга қўпракдурур”; “Ўз вужудингга тафаккур айлагил, ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил”; “Йигитликда йиг илмининг маҳзанин, қарилки чоғи сарф қилгил ани” сингари мангу байтлари туширилган буюмлар инглизча таржималари билан берилса, қандай саз иш бўлар эди! Қолаверса, юртимизни манзил тутган сайёҳлар учун муносиб совға ҳамдир.

6. Алишер Навоий ўз асарларини ёзишда озиқланган ёзма ёдгорликлар, улғ мутафаккир ижодий меросининг манбалари — тадқиқ этилмаган мавзулар сирасидандир. Навоий меросига қадимги туркий адабиёт, қорахонийлар даври сўз санъатининг таъсири ҳали ўрганилган эмас. Навоийнинг эпик тафаккури ва туркий халқлар эпосини типологик тадқиқ этиш ҳам муҳим масала. Навоийнинг адабий, фалсафий, тилшунослик, адабиётшунослик, тарихий, диний мазмундаги асарларини соҳа билгичлари — тарихчи, илоҳиётчи, тилчи, адабиётчи, файласуфлар билан ҳамкорликда таҳлил этиш яхши натижалар беради.

7. Навоий асарлари янги мезондаги лексикографик тадқиқотларга муҳтож. Улғ шоир ижодида асрлар давомида халқнинг нутқ амалиётида синондан ўтган ва сўзлашувда муҳим ўрнашган минглаб соф ўзбекча лексик бирликлар борки, уларни бугунги ўзбек тили мулоқот амалиётида қўллаш ва изоҳли лугатларга киритиш вақти келди.

8. Алишер Навоий ва унинг асарларини ўрганиш асосий йўналиш қилиб белгиланган алоҳида илмий-тектириш муассасаси — институт ёки марказ тузиш вақти келди. Кейинги ўйилликларда дунё миқёсида Навоий ижоди кенг қўламада ўрганилмоқда. Чунончи, бурунги йил Афғонистонда Навоий асарларининг кўпжиддиги чоп этилди. Ёки Туркияда йирик адабиётшунос Камол Эраслан Навоий асарларининг катта қисмини қайтадан нашр эттирди. Институт ёки марказ дунё билим кишиларининг Навоий бўйича яратётган тадқиқотларини мувофиқлаштириб, йўллаб туради. Бу муассасанинг ўз илмий наشري ҳам бўлиши керак. Шунда унинг олиб бораётган ишлари натижаси жамоатчиликка етиб боради.

Умуман, жамиятда кечаётган туб ўзгаришлар, маънавий тикланишлар даврида Алишер Навоий ижодини, ажодларимиз меросини янгича илмий қарашлар, ёндашувлар асосида таҳлил ва тарғиб этиш янги давр ўзбек навоийшунослигининг бош вазифасидир.

Абдурахим МАННОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Қудрат ОМОНОВ,
филология фанлари доктори

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” 2018 йил май сони

Журналнинг ушбу сони, асосан, қардош Қозоғистон адабиёти, маданияти ва санъати-га бағишланган. Танкили қозоқ адиблари Сайин Муродбековнинг “Ешан хиди” ва Марҳабат Бойғутнинг “Ҳокимнинг аёли” ҳикояларини Н.Жўраева ва М.Исломқул таржималарида ўқийсиз. Қозоқ шеърятини намуналари сирасидан Абай Қўнонбоев, Аҳмет Бойтурсунов, Абдулла Тожиев, Жубон Мўлдағалиев, Ўлжас Сулаймонов сингари атоқли шоирларнинг шеърларидан баҳраманд бўласиз (таржимонлар: М.Мирзо, А.Суюн, М.Аҳмад). Қозоқ шеърятининг таникли вакили Улғбек Эсдавлатнинг бир туркум шеърлари ҳам ушбу сонда эълон қилинган. Музаффар Аҳмаднинг “Икки дўст достони” эссеида ўзбек-қозоқ адабий дўстлиги, устоз адиблар Гафур Ғулом билан Собит Муқановнинг ижодий ҳамкорлиги, биродарлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Насимхон Раҳмоновнинг мақоласи эса ўтган асрнинг 30-йиллар қатогон қурбони бўлган атоқли қозоқ шоири Мағжон Жумабойнинг серқирра ижоди ва фожиали қисмати ҳақида.

Шунингдек, ушбу сонда таникли немис адиба Бернхард Шлинкнинг “Китоб ўқиб берувчи” романи (олмон тилидан М.Ақбаров таржимаси), Кайсин Кулиевнинг “Қиш эди” романидан парчалар (А.Мўмин таржимаси) ва Кўқор Норқобилнинг “Қайтмасан ҳам қайтгил” номли кинохикассаси эълон қилинган. Журнал ушбу сондан “Маҳорат мактаби”ни ташкил этиб, ёш таржимонлари тарбиялаш, маҳоратини ошириш, бу соҳада устоз-шоғирд аъёнчаларини давом эттириш ташаббуси билан чиққан. Шу маънода таниқли рус таржимони Григорий Стариковский билан суҳбатнинг (М.Аҳмаджонов таржимаси) босилгани таржима иши билан шуғулланадиган қалам-қашларда қизиқиш уйғотиши табиий. Биз қуйида ушбу суҳбатда айтилган эътиборга молик фикр-мулоҳазалардан бир қисмини сизга илдинки.

Журнал ушбу сондан “Маҳорат мактаби”ни ташкил этиб, ёш таржимонлари тарбиялаш, маҳоратини ошириш, бу соҳада устоз-шоғирд аъёнчаларини давом эттириш ташаббуси билан чиққан. Шу маънода таниқли рус таржимони Григорий Стариковский билан суҳбатнинг (М.Аҳмаджонов таржимаси) босилгани таржима иши билан шуғулланадиган қалам-қашларда қизиқиш уйғотиши табиий. Биз қуйида ушбу суҳбатда айтилган эътиборга молик фикр-мулоҳазалардан бир қисмини сизга илдинки.

Журнал ушбу сондан “Маҳорат мактаби”ни ташкил этиб, ёш таржимонлари тарбиялаш, маҳоратини ошириш, бу соҳада устоз-шоғирд аъёнчаларини давом эттириш ташаббуси билан чиққан. Шу маънода таниқли рус таржимони Григорий Стариковский билан суҳбатнинг (М.Аҳмаджонов таржимаси) босилгани таржима иши билан шуғулланадиган қалам-қашларда қизиқиш уйғотиши табиий. Биз қуйида ушбу суҳбатда айтилган эътиборга молик фикр-мулоҳазалардан бир қисмини сизга илдинки.

Адабий-бадиий нашрлар

Таржима — ҳаракатдаги ҳунар

Менинг таржималарим шеърини шакл нуктадан назаридан анча эркин бўлса-да, уларнинг мазмунан аниқ бўлишини, бунини чиройли тарзда амалга оширишни истар эдим.

Ҳеч қачон мавжуд аъёнчаларни давом эттириш ёки уларни рад этиш тўғрисида ўйланган эмасман. Мента баъзи таржималар, айрим таржимонларнинг мавжуд аъёнчалар йўналишига унча мос келмайдиган ишлари маъқул қўринадилар. Бунини, масалан, Жуковский, Гнедич, Иванов, Шервинский, Ошеров, Гаспаров мисолида айтишим мумкин. Аъёнчага келсак, афсуски, бу борадаги ишлар булутсиз осмон каби тиниқ эмас.

Антик давр муаллифларини таржима қилишда бу йўналишда кўпчиликка маълум бўлган йўллардан юришга, таржималарини махсус алабий маълумотта эга бўлмаган бугунги ўқувчиларга ҳам тушунарли бўлишига ҳаракат қиламан. Ўзим шундай таржималарни ўқитганим-да, улардан қўлланилган сўз ва ибораларнинг жозибаси ва мазмун тиниқлигини излайман. Фикримча, бу услуб антик дунёни бугунги ўқувчиға яқинлаштиришнинг ягона тўғри йўли. Бошқа йўлдан борсак, ўқувчи биздан юз ўтиргани доимо исботлаб туришимиз керак.

Таржима — ҳаракатдаги ҳунар. Ўтмиш адабиётдан қилинган таржималар янгилашиб туриши зарур. Бу нарс Гнедичнинг “Илиада”си ёки Велеслав Ивановнинг “Агамемнон”и каби шоҳ асарларнинг обрўсига путур етказмайди. Менинг назаримда, русча тил маданиятига айна шундай янгилашиб етишмайди. Ҳолбуки, бундай янгилаштириш, қичик бир асар мисолида бўлсин, маданият ривожига хизмат қилади. Майли, янги, турлича таржималар бўлсин. Ҳаммага иш топилади. Масалан, “Энеида”нинг инглиз тилидаги янги таржимаси ҳар ўн-беш йилда чиқиб туради. Урушдан кейинги йилларда римлик ҳажжчи, ичимдан топ Персиянинг ҳамма ҳам қўл улаврийдиган асарлар, биласизми, камида беш марта таржима қилинди. Демокриманки, юнон ва лотин тилидан қанча кўп таржима қилинса, шунча яхши. Сабаби, биз антик дунё билан ҳаммаша алоқанда бўлишимиз керак.

Гнедич “Илиада”ни таржима қилди, бас, шунинг ўзи етади, Жуковский “Одиссея”ни ўтирди, тамом-вассалом, бошқаси керак эмас, деган ҳақиқатларни ажабланиш билан эшитишга тўғри келади. Гнедичнинг даҳлолигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Аммо у бошқа бир даврда яшаган. Унинг “Илиада”си Пушкин замонага тўғри келади. Биз ўз замонимизда нима иш қилдик? Эҳтимол, бирор иш билан машғул бўлармиз, бутун шаҳарда, дунёга қарата: “Мен ҳам Гомер билан суҳбатлашганман” дея қичқаришимиз керакдир? Янги матнлар шубҳасиз зарур. Янгиларини яратиш қийин деган фикрга ишонмайман.

Менга Пастернакнинг таржималари ёқади. Улғ таржимон. Каванахнинг ўтираётганимда унинг изидан юришим лозимлигини англаб етгандай бўлдим. Бу йўл куч-қувват, лисоний лафозат йўли, шунингдек, таржимон ва шоир ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш имконияти эди. Таржимонлик мен учун бамисоли шиша пуфловчининг иши, яъни ҳунар. Ҳунарамид бир эмас, бир неча аъёнчаларни библии керак. Масалан, Роберт Фростнинг таржима қилаётганда керак бўладиган тажриба Жон Дон билан иш-лаётганда керак бўлмайди. Фикримча таржимон бир неча йўналишли таржимонлик маҳоратини эгаллаган бўлиши лозим.

МИЛЛИЙ ЎЗАКНИНГ

рини эътироф этган ҳолда, Хусайн Байқаронинг илк навоийшунос ва соҳага тамал тоши қўйган ёрқин изланувчи эканини белгиллаб қўйиш зарур. У ёшлик кезларидаёқ кичик Алишер асарлари ҳақида биринчи бўлиб ўз қарашларини айтгани, адабий масалаларини бергани тарихдан аён. Муҳими, Навоий асарлари тўғрисида барча замонлар учун бирдек қадрли ҳолис фикрларни айтиб қолдирган.

Хусайн Байқарондан бошланган ўзбек навоийшунослигининг биринчи босқичида асосий эътибор Навоий асарлари қўлёзмаларининг кўчирилиши ва бутун Шарққа ёйилишига қаратилди. Бу босқичда Навоийни тушунишга бағишланган ўндан ортиқ лўғат ва грамматикалар яратилди. XX юзйилликнинг бошларида навоийшуносликнинг бош вазифаси сифатида улғ шоир асарлари ва гоёларининг тарғиботи майдонга чиқди. Мазкур босқичда Навоий асарлари ва гоёлари кириб бормакан ўзбек хонадонни деярли қолмади, Навоий ўзбек халқининг Самарқанд, Бухоро шаҳарлари сингари умумжаҳон эътироф этгувчи миллий брендиға айланди.

Ҳозир ўзбек навоийшунослигининг учинчи мингйиллик бўсағасидаги янги даври бошланмоқда. Айниқса, мамлакатимизда яқинда “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқроқ миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқроқ конференциянинг бўлиб ўтгани бу борада амалга ошириладиган тадқиқотлар қўламининг кенгайишида айна мурдаодир. XXI юзйиллик, умуман, учинчи мингйиллик навоийшунослиги бундан бўён қайси йўлдан кетади? У кейинги тараққиётида Навоий асарларини қайси мезонлар асосида ўрганади? Рақамли дунё соҳиблари саналмиш бугун-



тадқиқотларни қамраб олмақ зарур. Биографияда ўша давр ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий муҳитини ҳисобга олган ҳолда, ўша давр темирйўллар салтанатининг бошкентлари — Хирот ва Самарқанднинг Шарқ илмий, маданий ҳаётидаги ҳамда Навоий феноменини шакллантиришдаги ўрни ҳам кўрсатиб берилмоғи лозим. Навоийнинг ҳаёт йўли башариат учун катта ибрат мактабидир.

2. Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик нуктаи назаридан кенг қўламада ўрганиш ва уларнинг мукаммал илмий нашрларини тайёрлаш керак. Бу ўринда биз дунёнинг ётақчи шарқшунослик марказларида шаклланган илмий мезонларга амал қилган ҳолда, Навоий асарларининг илмий транскрипцион нашрларини тайёрлашни кўзда тутамиз. Шунингдек, Навоий асарлари бўйича электрон лўғатлар ҳамда ҳазрат қаламига мансуб барча ёзма асарларнинг электрон корпусини яратмоқ лозим. Навоий асарларининг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосмалари факсимилини ҳам интернет тармоғига жойлаштириш бугуннинг талаби.

3. Янги давр навоийшунослари авлодини тарбиялаш ҳам кечиктириб бўлмас вазибалардан биридир. Замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан, воситаларидан самарали фойдаланиб, олий ўқув юртиларида Навоий ижоди чўқур ўргатишмоғи, ўқув режаларида навоийшунослик, улғ мутафаккир ёзма мероси билан боғлиқ дарслар комплексини ўрн олмоғи керак. Соҳа вакилларининг жамиятдаги маъкеи(имижини) кўтариш ҳам шу сирадаги вазибалардан ҳисобланади. Бугуннинг ёшлари прагматик авлод сифатида кўпроқ иқтисодий жиҳатга эътибор қаратмоқ-

керак. Ҳатто бу жойдан Навоийнинг ўлмас байтлари асосида тайёрланган, ёшларни бирор мақсадга йўлловчи, бирор-бир ишга чоғлантирувчи суратли матн(демотиватор)лар ҳам ўрин олган бўлсин. Ёшлар бир-бирлари билан виртуал оламда мулоқот қилганда, матнли хабарларни йўллаганда ёки ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўз саҳифасида маъкеи(статуси)ни кўрсатганда ана шу суратли матн(демотиватор)лардан фойдалансин. Бу борада, айниқса, Туркияда мавлоно Жалолиддин Румий асарлари бўйича яратилган демотиваторлар тажрибасини ўрганиш қўл келади. Янги давр ўзбек навоийшунослиги порталининг турли ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда ҳам каналлари ишга туширилса, ёшларнинг ўз “қурол”ларидан Навоий асарларини ўргатиш йўлида фойдаланган бўлар эдик.

5. Навоийнинг ҳар бир мисраси, байти мингйилликлар қаъридан отилиб чиққан ҳикматлар билан йўғрилган. Ушбу мисралар ўз замонида қанчалик хизмат қилган бўлса, бугун ҳам замондошларимиз, айниқса, ёшларимиз учун шунчалик аҳамиятли. Бинобарин, шоирнинг бағрикенглик, меҳр-оқибат, огоҳлик, элсеварлик, халқлар дўстлиги сингари гоёлар сингирдирган байтлари акс этган мафкуравий баннерлар, табрик-бити(откритка)лар, почта маркалари, эсдалик совғалари ишлаб чиқарилмоғи зарур. Бир мисол: Шарқ мамлакатларида ажодлар меросини ёйишга қаратилган аҳойиб, улғ олса арзирли тарғибот усуллари бор. Чунончи, Хитой ошоналарида емак учун тайёрланадиган столларнинг усти ойнаванд қилиб ясалган. Ана шу ойнанинг ости китоб жавониға менгазб чизилган. Унда хитойликларнинг мингйилликлардан келаётган ҳикматли сўзлари, улғ ижодкорларнинг ўлмас сатрлари хитойча ироғлиф билан санъат даражасида, ҳусниҳатда битиб қўйилган. Ҳар бир ҳўрнда емак буюртма қилгандан сўнг таом келтирилгунга қадар истасча-истасмаса қўзи ўша битиларга тушади ва ҳеч бўлмаганда бир калимани эслаб қолади. Яна бир мисол. Япо-

Ҳилоҳлари қалбимда қолди

Ёзувчилар ижодий уюшмамиз аъзоларидан бир гуруҳи Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида қатнашиш учун ижодкорларнинг Дўрмондаги боғига йўл олгандик. Автобуста чиқиб, ўриндиқлар оралаб борарканман, истарали қиёфаси бирдан меҳримни тортган Янглиш опа Эгамовага кўзим тушди, ёнларига ўтиришга рўхсат сўраб чўқдим. Дўрмонга етиб боргунча опа, асосан, мени қизиқтирган са-волларга жавоб бериб борди. У киши аслиятдан таржима қилган Эккерманнинг “Гёте билан гурунглари” китобини астойил ва тўлиқ ўқиб чиқмаганимдан хижолат бўлдим. Кўринишидан сипо, нигоҳларидан тортиб гап-сўзла-ри, ҳаракатлариғача осойишта бу аёлнинг фазилатлари камтарлиги, тўғрисиқлиги, назари тўқлиги билан янада тўқисилик касб этгандай эди.

Дўрмон боғига етиб борганимизда, кундуз соат 12 ларга яқинлашган, байрам бошланиб кетган, нозу неъматлар тўқис дастурхон атрофидаги ўринлар ижодкор муҳомонлар билан деярли тўлган экан. Фақат қўшнинг нурлари тик тушиб турган жойларда бўш ўринлар қолганди. Жойлашиш ниятида давралар оралаб ўтиб борарканмиз, Янглиш опанинг бугун “Бомдод намозидан кейин Гулистондан йўлга чиққани”, навқирон ўғлини қутилмагандан тупроққа топири-ганлари боис “дард орттириб олгани” ҳақидаги фикр ҳаёлимдан кетмас. “Йўл қаттиқ чарчат-мадимикан? Чанқаб, очкаб қол-мадилармикан?” деган хавотирда эдим. Ва яна... салқингина жойда ўтирган ёшлардан кимдир пуфто хўшёрлик билан ўрин-дан қўшиб, опани тўғра қилиб э-тишдан жуда-жуда умидвор эдим... Ниҳоят, олачалпоқ соя тушиб турган бир жойни

қўрдим-у, опани таклиф қилдим. Қаранг, у киши бу жойни менга илиниб: “Сиз ўзингиз ўтиринг шу жойга!” деди. Дастурхон атрофида неъматлардан озгина-озгина тотинган Янглиш опа уларнинг қайсиниси соғлиққа қай жиҳатдан фойдаси борлигини шарҳлаб ўтирди. Байрам охирида борар, мен дилимда ҳаётда биринчи марта юзма-юз келиб гаплашган бу аҳойиб ҳамроҳим билан яна қайта учрашиш режасини тузардим. Сўхбат асносида сирдарёлик ижодкор дўгоналарни эсладик-у, мақсадимнинг фурсати, йўли ойдинлашди-қолди.

— Баҳор Холбекова ўғлини уйлапти, яқинда тўй бўлади, адашмасам, — деди опа.

— Худо хоҳласа, ўша тўйга бораман, сиз билан яна кўришамиз, — дедим. Бу гапимга жавобан Янглиш опа шундай қарадики, нигоҳларидан хали таклиф этилмаган жойга ўз ихтиёри билан шайланганимдан ҳайрондай эди. “Ҳайрон бўлманг, — дедим. — Тўйига борсам, Баҳор, албатта, хурсанд бўлади”.

Китоб муаллифи, Эккерманнинг ўзи: “Гёте билан гурунглари” китобини англаш учун уни камида уч марта ўқиб чиқиш керак”, деган экан. Икки буюк ижодкорнинг фикру мушоҳадалари, қалб оламини ифодалаш кўз қўриб, қулоқ эшитиб турган воқеа-ходисларни тасвирлашдан анча мураккаб, бунинг учун аввало у буюк шахслар дунёсини тушуниш, илмий салоҳиятини англаш, ҳис этиш керак. Янглиш опани кузатгандан кейин ўша кунни туни билан шу китоб саҳифаларида қолиб кетдим. Назаримда, Гёте ва Эккерман суҳба-



ти асосига қурилган бу китобни таржима қилганда, Янглиш опа ҳам ўша сўхбатлар иштирокчисига айлангандек эди. Таржимада умумбашарий фикрлар тиник, табиий, теран ифодалангани боис китоб ўзбек китобхонининг ҳам маънавий бойлигига айланганини ҳис эта-сан. Уни ўқиганим сайин бу катта меҳнат учун миннатдорлигимни, меҳримни таржимонга иззор қилиш нияти ортиб борарди. Меҳрим, ихлосим сатрларга туша бошлади:

...Кеча-кундуз илиқ, соф, уйғоқ —

Жимир-жимир қайнайди булоқ... Ниҳоят, шу йилнинг 8 сентябрь кунин Гулистонга қанот чиқаргандай йўл оларканман, қалбимда дўғнамиз Баҳорой хонадонининг тўй шодиёналарида қатнашиш ва у ерда ижодкор қадрдонлар билан кўришиш қувончи бир томон бўлса, Янглиш опа билан яна учрашиб сўхбатлашиш иштиёқи бир томон эди.

Тўй оқшомида мен Янглиш опанинг жуда маданиятли меҳмон, атрофдагиларга эътиборли даврдод, қадрдоннинг шодлигига шодлик қўлиш учун кел-

ган елкадошлигидан ва яна ўта камтар, камсуқумлигидан таъсирланиб ўтирдим. Бу сафар опа менга олмон тилидан ўзи ўзбек тилига ўғирган “Анджон шаҳзо-даси” номли қиссани совға қилди.

Эртасига Тошкентга қайтишим олдидан қадрдон Ойниса опа Ортиқбоева билан суҳбатда яна Янглиш опанинг фазилатларини эсладик... Дарвоқе, “Гёте билан гурунглари”ни ўқиш асносида мен шеърнамо бир нарсалар қорайиб бошла-гандим. Шуларни Янглиш

опага ўқиб беришнинг имкони бўлмаганидан афсуслангандим, Ойниса опа: “Яқинда опанинг ижодиға бағишлаб махсус тадбир ўтказмоқчимиз. Ўшанда таклиф қиламиз, келиб ўқиб бера-сиз”, деди. Ана шу тадбирни ку-таётган эдим...

19 октябрь кунин “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мизини варақлаб туриб... саҳифа-даги сурат билан “Хотира” де-ган рункга кўзим тушди-ю, та-ниш чехрадод нотаниш чизгилар ахтари бошладим: “Балки, шун-чалар ўхшаш одам бордир?” Йўқ, яқиндан таниганимга ҳали бир кўй бўлмаган эса-да, қал-бимга бир маънавий устоз каби ўрнашиб қолган азиз инсоннинг исми фамилияси, унинг ишлари-нинг номи сатрлардан титраб-титраб чиқиб нигоҳимга урила бошлади... Аҳойиб фарзандлар улғайтирган она, оиланинг чин маънодаги устуни, ижодкор, олимпиа, зоҳири ва ботинини чин инсонийлик илми нурланган Янглиш опани, худди бу дунёда бўлганидек, Аллоҳ у чин дунёда ҳам азиз этишини тилаб дуолар қилмоқдан ҳайрлироқ вазифа-миз йўқ энди.

Мухтарма УЛҒОВ



“ШАРҚ ЮЛДУЗИ” 2018 йил, 6-сон

Мумтоз шеърятимиз дурдоналари сирасидан бу гап атоқли шоир ва хаттот Мирий меросидан сара газалларни ўқийсиз. Умуман, журналнинг назм саҳифалари муштарийларга дилгир лаҳзаларни тўғра этадиган асарларга бой. Чунончи, Ҳалима Худойбердиевнинг “Икки-ланмай қайта бошдан бошла йўлнинг” деган давлаткор номла-ги туркуми, Ўқтам Мирзаёр, Ру-стан Эмин, Қаҳқор Йўлчиевнинг, шунингдек, Шаҳрибону шеърлари, Ойдиннинг “Авф” номли шеърини қиссаси шундай манзумалар сирасидан.

Хуришд Дўстмуҳаммадининг “Елғиз” қиссасининг давоми, Азиз Саиднинг “Булут нимага ўхшайди” ҳикояси, Йўлдош Солжоннинг атоқли шоир Гафур Ғулом ҳаёти, ишлари ҳақида ҳикоя қилинган “Чўққининг салобати ва малохати” эссеи ҳам журналнинг ушбу сонига алоҳида сал-моқ бағишлаган. Машҳур саяткор Зикир Муҳаммаджоновнинг “Уч довр” эссеида ўзбек театри тарихининг, атоқ-ли таржимонлар, актёрлар фаолиятининг жонли, таъсир-чан лавжалари қаламга олинган.

Шунингдек, ушбу сонда Ўзбек ижодий меросидан намуналар, О.Абдуллаева, И.Тўхтасинов, З.Суванов, Ю.Ҳам-мовнинг адабий-танқидий мақолалари билан танишасиз.

“ЁШЛИК”

2018 йил, 6-сон

Бугунги адабий ҳаётда кечаёт-ган қизгин жараёнлар А.Мурод-нинг “Илҳом айвони” ва А.Эр-матовнинг “Фаҳрга яраша фило-йилик керак” сарлаҳли публи-цистик мақолаларда изчил куза-тилан.

Назм саҳифаларида Икром Ота-муроднинг “Тоғлар — буюк суқанг” деб номланган янги шеър

Машраб БОБОЕВ

МЕНИНГ ОНА ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тирик сатрлар

Тушларимга кирар бир чаман,
Яшнар унда фасли муҳаббат.
Шу чаманда мен ҳам етаман
Суйганимнинг васлига, албат.

Тушларимга кирар бир гўша —
Бахтга тўла сирли бир олам.
Бахтим менга тутди бўса,
Дудогидан ўпаман мен ҳам.

Тушларимга кирар бир гулхан,
Унда кулга айланар риё.
Унинг захри ва тутундан
Қора чодир кияди само.

Тушларимга кирар бир уфқ,
Орзум бўлиб имлайди мени.
Инъомини қўлимга туттиб,
Пойим узра қўяр бошини.

Тушларимга кирар бир баҳор,
Минг бир рангда товланиб, ёниб.
Шу баҳорга чулғаниб ётар
Менинг она Ўзбекистоним.

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Ойдин зулумотда жилмаяр баҳор.
Гул бўлиб очилар баргдаги тутун,
Анҳорда салқин бир эхтирос оқар.

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Юксакда юлдузлар ваъда қилар бахт.
Бировга қоқилиб кетмаслик учун
Авайлаб эгасин излар муҳаббат.

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Майсаларга алла айтади сабо.



Соҳилда — мажнунто, қомати дурқун,
Бир боққил, дегандай қилар илтижо.

Ором оғушида дилрабо бу тун,
Ўзи ҳам билмайди — бу не ажиб сир.
Уни эҳтиётсиз шарпадан ўқтин
Чўчитиб қўймаса бўлгани кимдир...

Бу оқшом қўзларинг сингари терап,
Сочларинг сингари мулойим.
Бу оқшом ўзингдай эрка ва бегам,
Ҳам ўзингдай оромга мойил.

Бу оқшом нафасинг сингари илиқ,
Бўсангдай оловли, табаррук.
Бу оқшом ўзингдай суйғулик.
Симириб қўйгулик, Тасаддуқ!

Бу оқшом васлингдай ҳаётбахш, қисқа,
Ҳажрингдай беадоқ, беадад.
Бу оқшом ўзингдай оромижон ва
Ўзингдай беаёв, Бешафқат.

Бу оқшом — қўчангда илк бор тентираб
Юрган қунимданоқ муқаррар.
Бу оқшом —
Ҳар оқшом каби сен билан —
Сенинг ёдинг билан мунаввар.

Қўнглим чорбоғига қўз ҳоким бутун,
Умид япроқларин ерга тўшаган.
Шодлигим қайдадир тентираб юпун,
Шодлигимни излаб йўлга тушаман.

Ўйлардай эшилиб ётади йўллар,
Йўллар қамраб олган бутун дунёни.
Мени қайларгадир элтмоқчи улар,
Мен-чи, шодлигимни излайман ёниб.


Бутун анҳорда ҳам ҳасрат тошқини,
Қуйлайди соҳилда бир қиз паришон.
У балки... У балки ўйлайди мени,
Мен-чи, шодлигимни излайман ҳамон.

Қайдадир кулгута самовот тангир,
Қайдадир соғинчдан нигранади най,
Қайдадир тўлиқиб йиғлайди танбур,
Мен-чи, шодлигимни излайман тинмай.

Юксакдан юлдузлар мўлтирар унсиз,
Пастроқда томчи ёш турар муаллақ.
Ой нурида музлаб қолибди, эсиз..
Мен эса, шодлигимни қидириб ҳалақ.

Кипригин қўтарар мудраган уфқ,
Менинг киприқларим юмилар секин.
Япроқлар тўкилиб тутагани йўқ,
Шодлигимни излаб тинганим йўқ мен.

Исмоил МАҲМУД



Ўзбекистон

Ўзбекистон қучди борлиқ ичра иқбол босафо,
Элу юрт оламча бахтдан топди файз олам аро.

Халқ, Ватан бу ишда ҳар дам қўллади Сарварни рост,
Ул буюк Соҳибқирон шахт азмини этди бажо.

Жо-бажо бўлди ёруғ йўлларда даврон шухрати,
Боз зафар қучди этиб майдонда халқ аҳду вафо.

Эл саодат йўлида топди бу кун хос йўлниким,
Ҳар вужудда порлагайдир Хуррият — нури Худо.

Эртаси бундан буюк бўлди бу юртнинг бахт насиб,
Бу саодат нуридан топди фараҳ еру само.

Кўкка бўй чўзмоқда масрур турфа гуллар бахравар
Бу барокатдан Ўзига айтибон ҳамду сано.

Барҳаёт пиру азизлар руҳи шодким ажридин,
Икки оламлик саодат файзидан айлаб ғизо.

Ушбу айём қон-қариндош барча миллат иттифоқ,
Айлағаймиз шукрин ул Зот ҳаққига айтиб дуо.

Бу муборак тонгда Маҳмуд васф этар иқболини,
Асрасин Ҳақ мустақиллик бахтини — шу муддао.

Одамийлик

Одамийлик ҳам ибодатдир, уни билган билур,
Ёру дўстларга ҳамиша оқибат қилган билур.

Кўз очиб дунёга келмоқ энг улугъ неъмат азий,
Бу улугъ неъматни дилга ҳусниҳат қилган билур.

ШОНЎ РАНИЛАРИ

Даврон РАЖАБ

1
Кетаман тонг томонга,
Тушлардан юрманг излаб.
Йўлим юртим ёбонга —
Манзилин бўлмас гизлаб.

Кезаман нурлар аро —
Дил гурубга бирлашган,
Илиқ ёмғир ёғаро
Кўз кўнгил-ла сирлашган.

Истагим фақат тонгда —
Чорлаб борар юлдузлар;
Бунга қанча тун керак,
Яна қанча кундузлар.

Кеч бўлмас келса даврон,
Бунда вақт ҳам ўтмайди.
Йўлданман... ахир, ҳамон —
Бахтдан кечиб бўлмайди!

2
Тонг ҳақида шивирлар сокин
Уфққа бошин тиккан бир дарахт.
Ҳар нафаси унинг янги кун
Фалсафасин симириб қарахт.

Жодуси бор бу лаҳзанинг, боқ,
Қараб бўлмас унга суқланиб,
У ярақлар, бўлиб борар пок —
Ҳам бўй чўзар нурдан тикланиб.

Балки шуми вақтдаги калом —
Содир бўлар тонг яна бирдан.
Сен гафлатни тарк этмасанг ҳам
Дарахт яшнар ажиб бир сирдан!

3
Тонгдан яширма қўзларингни,
Қўринмай қолмасин куёш.

Тонгдан яширма сўзларингни,
Шамоллар қолмасин бебош.


Тонгдан яширма сочларингни,
Денгизга дўнамсин кўз ёш!

Юлдузларни тўкиб қўймай деб,
Сокин эсиб туради шамол.
Гўё унинг тўлқинларига
Фарқ бўлгандек қўкдаги ҳилол.

Айб ўзимда

Айб ўзимда,
шудринг шўъласини
англай олмадим
томчида акс этган
дунё суратин,
хаёлдан чалғитдим
Биру Борни ҳам.

Айб ўзимда,



Сайраб қўяр сабрсиз қушлар.
Тун ва тонгнинг қўшиливида.
Гўё бунга сабабдек улар,
Дайди қушлар сайрар ташвишдан.

Ой беркинар тоғлар ортига,
Тоғ ҳам сезар ўзин унгайсиз.
Мен бўлмасам дея ўйлар у
Тун чароғон бўларди, эсиз!

Юрагимга беркинар ҳилол,
Ҳаёлимни тўтиё қилар.
Ўзин айбдор сезармикан ой?
Билармикан қўнглимдалигин...

«Мантисқ
ут-тайр»ни ўқиб

Дарахт шохига келиб қўнди қуш,
Ҳаёлим ўзгарди, учди-кетди хуш.

Аттор замонидан келганмикан ул,
Бечора, у қайдан топан экан йўл.

Ёки сен келдингми адашиб учиб,
Ёниб нола чекиб, Худҳуддан кечиб?

Шунда боғ қушлари сайради ногоҳ,
Барчаси суҳбатдан бўлгандек огоҳ:

“Дилда нафс бор экан бахтинг қочади,
Сен уни тарк этсанг бағрин очади!”

ўйнаб ўткардим
мангулик дамин.
Бахт фурсати ва
дйдор вақтини
кутиб нетдим энди
чўзилишини.
Айб ўзимда,
сезмадим кунлар
тароватини...
Фаҳм этмадим

ҳар бир лаҳзани
дилга томаётган
қондек эканини.
Айб ўзимда,
ўйламадим
кўзгуда акс этган
сийратимни ҳам
бир кун
кўзгуда
ўзгаришини...

Юз-кўзидан нур ёғилиб таҳририятга кириб келган ширинсўз
отaxon ганни дуодан бошлади: “Азалдан бир гап бор: олтиш-
етмишдан ошганда одамларнинг баъзи гуноҳлари, саксондан
ошганда эса бор гуноҳи дув-дув тўкиларкан. Оилангизга қўтлуғ
ёшингизнинг шафоати ёғилиб тураркан. “Қариси бор уйнинг
париси бор”, деганлари шу бўлса керак. Сизларга ҳам саксондан
ошиб, юзларга юзлашиб юриш насиб қилсин”. Бу дуоғўй отaxon —
Ғани Абдуллаевнинг асли касби боғбон. Лекин умр бўйи ўзи гувоҳ
бўлган ибратли воқеаларни қозоғга тушириб келади. Кўп йилдан
буён республика матбуотида мақола, ҳикоя, қатрлар ва
шеърлари билан фаол қатнашади. Йигирмага яқин насрий ва
назмий китоблар муаллифи, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.
Қуйида отaxonнинг қатрларидан айрим намуналарни
этиборингизга ҳавола этаймиз.



Ғани АБДУЛЛАЕВ

ИЖОДКОР
БОҒБОН

БАХИЛНИНГ БОҒИ

Отанинг ёш ниҳоллари қияроқ жойда. Таги-
дан оқайтган сувнинг шилдираши кўнгли пок
одамга завқ бағишлайди.

Қўшнисига эса ғам-ташвиш бўлди — юраги
анордек эзилди. Гўё сув унинг ош-нонини
оқизиб кетаётгандек. Ўзининг боғидан барака
кетаётгандек. “Унинг боғи сув ичиб гуркирай-
версин, меники сувга зорланиб ётсинми”, дея
арик сувини шартта ўзининг боғига бурди. Сув
хасаддан ёниб қаҳраган кўнглига ёқимли бир
сархушлик берди-ю, лекин ниҳолларга...

Кечга томон бахилнинг уйига меҳмон келди,
томорқасидан яқоқ кўриниб турган ниҳоллар
ҳолини кўриб ҳайрон бўлди:

— Е, тавба, еринг ўзи пасткам бўлса, — тўғри
маслаҳат берди унга меҳмон. — Захи кетмас-
дан нега сув қўйдинг? Сув ниҳол жонига захар
бўлиб сингяпти, қўшининикига ўшаб жойинг
яйдокмас-ку.

— Эсим қурсин, — бахил титраб-қақшаб сув-
ни яйдокқа бурди. “Қўшнимга гайрлигимни
дўстим билмасин, кечқурун тўғри сойга очиб
юбораман, дардим ошмасин”, деди ичида.

Бахилиги ўз боғининг боғига етди. Бевақт
қўйилган сувдан захлаган илдишлар чириб
қолди, бемаврид кузнинг хазонига айланди.
Бахилнинг боғи қўқармас, дегани шу-да.

ЧИРОҚ

Янги келин келди-ю хонадон файзиёб бўлди.
— Тани-жонингиз соғ бўлсин, энди ҳужрани
саранжомлаб қўйинг, мен ҳам қарашвораман,
— деди хола келинига.

— Ўзим қиламан, сиз уринманг, — деди келин
уй-рўзгор анжомларини артиб, тартиб билан
қўяркан. Навбат эски лампага келганда келин:

— Чироқлар тунни машъаладек ёритиб тур-
ган бўлса, кимга керак бу? Уни тозалагунча бош-
қа ишни битираман. Ҳозир тура турсин, — дея
четроққа суриб қўйди.

Бир ҳафтадан кейин қутилмагандан хонадон-
даги электр чироқлари вақтинча ўчиб қолди.
Ҳаммаёқ зим-зиё. Даладан елини тирсиллаб
келган сийғир типирчилайди. Қозондаги ош та-

новулга интизор. Нима қилиш керак?

— Айтгандай, эски лампа бор эди, шекилли,
артиб-суртиб қўйгандингиз-а, болам? — сўраб
қолди хола.

— Ҳа, ҳозир ойишкан, — ҳужра томон шошил-
ди келин. Гугурт қақиб лампани топди. Пилиги-
ни хиёл кўтариб ёқди-да, унинг ёруғида шиша-
сини артишга тушди. “Одам шу чироққа ҳам зо-
риқаркан. Нега вақтида созлаб қўймадим?”

Оддий лампа чироғи ёруғида хонадондаги
ҳаёт яна изига тушди.

— Аҳдоқларимиз шу чироқ билан кашта тикиш-
ган. Шуни унутмасак, фаровон турмуш қадрига
яна ҳам кўпроқ етган бўламиз, — деди Солиҳ ака.

— Яхшиям келинингиз лампани тозалаб қўйган
экан, — севиниб деди хола.

— Барака топинг. Бахтли бўлинг, — миннат-
дор бўлди Солиҳ ака.

Ўртадаги чироқ бўлса келинга: “Оталар чи-
роғиман, мени унутма. Нури нурга улайман.
Мен борман — юзинг ёруғ, хонадонинг файз-
ли”, дегандек нур сочарди.

ҲАЁ

Қадимда ҳаё ва ибодил, гўзалликда ягона бир
қиз турмушга чиқмасдан олдин йигитга шарт
қўйибди: “Йилда бир кун руҳсатсиз уйдан чи-
қиқ сэйр этиб келиш”. Йигит рози бўлибди.

Қиз келинлик одобини жойига қўйиб, ширин
сўзи, меҳнати билан оиласининг фаровонлиги-
ни оширибди. Ҳар қуни таҳорат суви тайёрлаб,
ота-онасининг дуосини олибди.

Бир қуни эри билан бўлган ахдлашувга кўра,
ўзи билган қамишзор томонга кетибди. Қамиш-
ларга дардини айтиб, йиғлай-йиғлай юрагини
бўшатибди. Қамишлар бундан таъсирланиб
ҳазин овоз чиқариб, шовуллашга тушган экан
“Оббо, қамишлар ноламини шамолга айтиб,
оламга ёядиган бўлди-ёё”, деб қўрқиб кетибди
ва оҳ тортган экан, қамишзорга ўт тушиб, ча-
силлаб ёна бошлабди.

Аёлининг бу ҳолатини кўриб орқадан пойлаб
келган йигит: “Қойилман, шунча дардини ҳаё
пардасида сабр билан саклаб, оилада лом-лим
демай юрган экан” дебди ва унга меҳри янаям
ортибди.

Ўша ривоят ўтмишдаги ўзбек аёлларининг
оилада наҳадар сабрли бўлганидан далолат
беради. Ҳозирги баъзи қизларимизнинг ҳаё пар-
дасидан чиқиб кетаётганини ўйласам, ўша ри-
воят ёдимга тушаверади, тушаверади...

ЯХШИЛИК

Ота-ўғилнинг суҳбати одоб ҳақида эди.

— Бировга қилган яхшилигингизни унутган
афзал, дейишинг боиси нима? — сўради ўғил.

— Унутсангиз қилган яхшилигингизнинг мин-
нати учун кўнглингизда жой қолмайди. Яхши-
лигингиз ювилиб кетмай савоблигича қолади,
болам.

— Бошқаларнинг сизга қилган яхшилигини эса
унутманг, дейишингизнинг боиси-чи? — деб
сўради яна ўғил.

— Меҳрингиз доимо товланиб, сиз ҳам унга
яхшилиқ қилишга интиласиз. Хуллас, бошингиз
яхшилиқдан чиқмайди, — деди ота мамнуният
билан.

КўНГИЛ

Собира касалхона ҳовлисидаги ўриндиқлар-
дан бирига энди ўтирган ҳам эдики, онаси ке-
либ қолди.

— Қўлингиз яхшими, болам, — деди онаси у
билан қўришаркан, — эҳтиёт қил.

— Тузук. Эртага гипс олишади.

— Қўрган-кечирганингиз шу бўлсин-ей, — дея
онаси ўзини енгил ҳис қилиб турганди-ки,
қўнгликка қиз салом бериб, унга яқинлашди.

— Чап қўлимнинг томири сал чўзилган экан,
— деди Собира янги дўгонасининг саломига алик
олган онасига.

Она у билан ўз қизидек қучоқлашиб қўриш-
ди. Сўнг ўриндиққа газета ёзиб, икки нон ора-
сига олинган сихсиз кабоқларни қўйди.

— Олинглар, совимасин.

Собира кабоқдан уч-тўрт тюрюгина еди, хо-
лос.

— Ол, еб қўйинг. Қорнинг оч, — деди-да ка-
боқни қолганини шеригига илинди.

Шу вақт сумкасида олма, анор олаётган
онаси қизига чимирилиб қаради: “Сенга олиб
келсаму... мунча тортимасанг...”

— Боя Нозиманинг онаси олиб келган ошдан
тўйиб егандим. Нозиманинг эса иштаҳаси
бўлмай...

Хола ғалати бўлиб кетди:

— Ол, Нозима қизим. Пойма-пой гапим қур-
син.

Қўлида тутган кабоқни қайтариб жойига
қўйган Нозиманинг иштаҳаси хиппа бўлган
эди. Холанинг юпани сўзлари дарз кетган кўнгли
ойнасини энди бутунлашга ожизлик қиларди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Аён бўладики, ҳикматли шеър мисраларига пайваста бўлган хуш куйлар қалбларга ҳаяжон солувчи ва жонга қувват бағишловчи ёқимли даъват ҳамдир. Шу боис бўлса керак, асрлар давомида улуг аждодларимиз ижодида мусиқа ва шеърият ўзаро ажралмас бир бутунликда яратиб келинди. Шу ўринда озгача иход маҳсули бўлган сермазмун халқ қўшиқлари, ялла ва ашулар, ҳазрат Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва яна қўллаб намуналарни ёдга олиш мумкин. Мумтоз (ёзма) шеъриятнинг "мустақил яшаш" (имманент) асослари илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган, бу соҳа нафис санъатлар қаторида алоҳида ўрин ва маккага эришган даврларда ҳам шеърият мусикадан буткул узилмади, балки унинг (мусиқа) муҳим асосий ҳаракат омилли бўлган ритмификация воситасини аруз тизимига сингдириб олди. Маълумки, узун, чўзиқ ва қисқа бўғинлар нисбатига таянган аруз вазири рунқлар ва бахрларнинг замирида ўзига хос ритмик тузилмалар мавжуд. Мусикадаги усулни эслатувчи бундай тузилмалар (формулалар) шеърдаги сўзлар билан ўзаро боғланиши натижасида ўзига хос ритмлик оҳанглр юзага кела бош-

Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси,
Қиссан "Лайлию Мажнуи" камтарин афсонаси...
(Атойи)
6/4 такт-ўлчовли Наср айтим йўлларига "Ҳазажи мусаммани солим" шеърий вазири уйғун келади:
Мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун
Мени мен истаган ўз сўхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сўхбатини кўнгулм писанд этмас...
(Навоий)
Бастакорлар шу каби мумтоз шеърларни муайян куйлар билан мутаносиб этиш қобилиятига эга санъаткорлардир. Мақом туркумларидан ўрин олган қўллаб айтим йўлларининг ҳам куй, ҳам назм матнларини ёд олган ва муҳими, уларни мумтоз талаблар даражасида "ўқиб", тингловчи қалбига еткази оладиган санъаткор-ижрочилар эса "хофиз" (масалан, хофиз Шашмақом) деган юксак даражага эришган бўлганлар. Бу каби анъаналар янги даврларга қадар ўз кучини йўқотмай келди. Бунга самарқандлик хофиз-бастакор Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг иходий-ижрочилик салоҳияти ёрқин мисолдир. Хусусан, устоз-санъаткорнинг бадий дид ва савияси юксак поғонада шаклланишида унинг ёшлигидан Шарқ мумтоз шеъриятига, хусусан, ҳазрати Хофиз, Жомий, Навоий, Ғолибий, Бедил каби айтиш до-

Бинобарин, мумтоз шеъриятнинг ашула, катта ашула, сувор ва мақом куйларига боғлаб, халқимиз орасида тарғиб ташвиқ қилинишида бастакорлик иходи баробарида хофизлик санъатининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган созанда-бастакорлар – Абдуҳошим Исмоилов, Улмас Расулов, Аҳмаджон Дадаев, хофизлар – Маҳмуджон Тожибоев, Маҳмуджон Йўлдошев, Раҳматжон Қурбонов, Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Машраб Эрматов, Эркин Рўзиматов сингари эл ардоғидаги санъаткорлар ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда устозлар йўлини давом эттирмақдалар. Айни пайтда замондош шоирларнинг иход намуналари ҳам ўзаро уйғун наволар билан ҳам халқимизга маълум бўлаётгани аён. Тўғри, бу жараён аввалги даврларга нисбатан (эстрада қўшиқчилиги жаҳзасидаги айрим мисолларни истисно қилганда) анчайин суст кечмоқда. Ҳолбуки, бугунги кунда Хуршид Даврон, Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Эшқобил Шукур, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Минҳожиддин Ҳошимов, каби истеъдодли шоирларимизнинг қалб кўри, замон нафаси билан йўрилган талайгина шеърлиқ асарлари (гарчанд айрим шеърларига қўшиқлар басталанган бўлса-да) ўзининг бастакори, композитори ва ижрочиларини кутмоқда. Зотан,

Айни пайтда Шахрисабз шаҳрида 6-10 сентябрь кунлари ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ хофизлари Маҳмуд ТОЖИБОЕВ ва Ҳасан РАЖАБИЙларнинг мақом санъати ҳамда анжуман ҳақидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Маҳмуд ТОЖИБОЕВ: — Асрлардан асрларга, тиллардан тилларга ўтиб келаётган мумтоз мусиқа оҳанглари ҳар қандай инсонни ўз сеҳрига олишга қодир. Зеро, унда инсон вужудига жон бахш этгулик қудрат бор. Ўтказиладиган мақом анжумани бу фикрларнинг ҳаққонийлигига яна бир далил бўлади, деб ўйлайман. Шу йилнинг январь ойида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мақом санъати усталари Шахрисабзда жам бўлишганди. Президентимиз Қаршидан Шахрисабз шаҳрига етиб келгунларига қадар биз Оқсарой майдонини айланиб чиқдик, бу ердаги бунёдкорлик ишларидан хайратга тушдик. Шахрисабзлик оддий одамлардан, ҳокимият вакилларида эшитишимизча, бундан 3-4 йил аввал Шавкат ака Шахрисабз шаҳрининг шу қисмини тартибга келтиришда туни кунга улаб, оёғига кирза этик, бошига қурувчилар шлёмини кийган ҳолда ҳафталаб тупроқ кечиби, қурилишларда қатнашган экан. Фикримча, ана ўша пайтлардаёқ Президент айнан шу ерда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказиш фикрини кўнглига тугиб қўйган бўлса не ажаб!

Анжуманнинг очилиш маросими Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона мақом йўналишлари бўйича музикаий чиқишлар билан бошланади. Фестивалнинг бош режиссёри Баҳоридин Йўлдошев ҳозир шу бўйича музикаий композициялар тайёрлаш билан банд. Очилиш маросимида муҳлислар Шахрисабз ёш мақомчилари ва Юнус Ражабий номидидаги "Мақом" ансамбли томонидан "Бузрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сероҳ", "Ирок" мақом намуналаридан композициялар тинглайдилар.

Танловнинг икки жиҳати борки, бунини унутмаслик лозим: хориждан ва Ўзбекистондан санъаткорлар иштирок этишади. Хориждан юборилган аудио-видео материаллар нуфузли ҳайъат аъзолари билан уч қарра назардан ўтказилди ва муносиб номзодлар танловга тавсия этилди. Икки танлов борасида ҳам деярли шундай ҳол кузатилди. Уч босқичдан иборат саралаш давомида хориқликлардан фарқли ўлароқ, санъаткорларимизни юзма-юз тингладик ва муносибларини танловга тавсия қилдик. Албатта, ўз юртошларимизга танловда омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳасан РАЖАБИЙ: — Агар отамиз Юнус Ражабий тирик бўлганларида, юртимизда мақом санъатига шу даражада катта эътибор берилмаётганидан гоъда мамнун бўлиб, бу воқеани кўзларида ёш билан қутиб олган бўлардилар. Президентимизнинг мақом санъатида эътибори тудайли

ҳар бир даврнинг илғор шеърияти унга муносиб басталанган куй-оҳанглари ва гўзал ижроси билан янада қадр-қимматлидир. Бир эслайлик, яқин ўтмишимизда ардоқли Халқ шоири Абдулла Ориповнинг ўзбекона ифдор билан йўрилган "Биринчи муҳаббатим" шеъри Шерали Жўраевнинг ўзгача овоз таровати билан қалбларга бир умр муҳрланиб қолди; яна бир сеvimли



шоиримиз Эркин Воҳидовнинг оташин "Ўзбегим" шеъри эса Шерали Жўраевнинг журъдли ва мардонавор ижросида мударок босган қалбларимизни ҳаяжонга солиб, миллий ғуруримизнинг уйғонишига кучли "туртки" бўлган эди. Ёки, айтиялик, шоира Саида Зуннунованинг самимийлик билан сўғорилган шеърига бастакор Фахриддин Содиқов мусиқаси уйғун келган "Барно йигит" қўшиғида ифратли ўзбек қизининг гўзал маънавий олами Ҳабима Охунваннинг мафтункор овоз латофати билан бадий инъикосини топган эди. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Бу борада эришилган эътиборли ижобий натижалар ва истикболли изланишлар билан бирга турли бахсларга сабаб бўлаётган энгил-елли талқинлар ҳам юзага келаётгани сир эмас. Асрий миллий қадриятларимиз эъозлаш, она юртга садоқат, халқимизга хос бағрикенглик, самимийлик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатларни улуғлаш ва уларни ёш авлод қалбига сингдириш ҳамон устувор вазифа экан, қўшиқчилик майдонига қадам қўяётган ҳар бир ижодкор (у ҳош шоир, бастакор, ижрочи бўлсин) бунини чуқур ҳис қилиши ва жамият олдидаги масъулиятини теран англаши давр талабидир. Биз бу борада шоир, мусиқа ижодкори ва ижрочиларни янада самарали ҳамкорликка даъват қилиб қоламиз.

Оқилхон ИБРОХИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори

бу санъат тури янада ривожланиши, овозаси дунёга таралади. Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан ташкиллаштирилган саралаш босқичларида иштирок этдик. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистон номидан иштирок этиш ҳоҳишини билдирган мақом хонанда ва созандагари, мақом ансамбллариининг иходий ишлари ичида арзийдиганлари кўп.

Бу анжуманнинг аҳамияти жуда катта. У нафақат Ўзбекистон санъатини, балки бутун дунё санъатини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман. Кези келганда бир тақлифни айтмоқчиман. Радиоэшиттириш уйининг жуда катта олтин фонди бор. Мақом асарлари намуналарини архивдан кўтариб, таснифлаш, ажратиш, тартибга солиш лозим. Телевидение ва радио каналлари орқали "Ўзбек миллий оҳанглари" номли руқн очиш ва миллий мақом санъати намуналарини бериб бориш керак. Мақом санъати учун алоҳида канал очилса, нур устига нур бўларди. Қолаверса, мусиқанинг даволочиси хусусияти ҳам бор. Улардан унумли фойдаланиш зарур. Бошқа давлатларда мусиқа орқали даволаш ривожланган. Шунини айтиш жоизки, мақом ижроси пайтида матн ва куй муаллифларининг исм-фамилиясини айтиб ўтиш керак. Шунда халқимиз, айниқса, ёшлар хофиз ва шоирларимиз, бастакорларимизни таниб боришади. Бу ҳам ўзига хос тарғиботга кириди. Энг муҳими, ҳукуматимиз ва Маданият вазирлиги томонидан санъаткорлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Анжуман қутилган натижани беради, халқимиз олдида, дунё жамоатчилиги олдида юзимиёз ёғур бўлади, деб ўйлайман.

Миллий мақом маркази матбуот ходими
Рашидаҳон ҲАСАНОВА ёзиб олди.

ҲИҚМАТ ИЗЛАБ...

Кейинги пайтларда тўйлар ҳақида, уларни ихчам ва камҳарж ўтказиш борасида қўллаб мунозарали кўрсатувлар, матбуот орқали чиқишлар бўлди. Бундай чиқишларнинг аксариятида санъаткорлар, хонандалар танқид остига олинди. Кимдир тўйларда "бирров"чи хонандаларнинг кўпайиб кетганидан нолиса, кимдир уларни "фалон" пулга келди, деб айблади. Яна кимлардир тўйни бошидан охиригача ўтказиш учун келган "навбатчи" гуруҳларнинг нархи осмон қадар бўлиб кетганидан шикоят қилади. Албатта, бу фикрларда жон бор. Лекин танганим ақли томони бўлганидек, бу масалага бироз ойдинлик киритиш керакка ўхшайди. Биринчидан, тўйларда "бирров"чи хонандаларнинг кўпайиб кетишига тўй эгалари сабабчи. Санъаткор айтилмаган, тақлиф қилинмаган жойга бормайди. Иккинчидан, баъзи ҳолатларда кўёнинг ошно-огайинлари, яқинлари ўз дўстига (яъни куёвга) совға қилиш мақсадида ўзларига ёққан хонандаларни чорлашади. Гоҳида тўй эгаси билан хонанда ўртасида дўстлик ришталари бўлса ҳурмат юзасидан тўйга чақирилиши (меҳмон сифатида) мумкин. Бу миллатимизга хос ўзаро иззат-иқром, ҳурмат-эътибор тудайди.

Бирок орамизда сохта санъат билан ҳақиқий санъатни фарқлай олмайдиган, ўзини кўз-кўз қилиб, хонандаларни қаторлаштириб қаҳрайдиган, дабдабаю ас-асага ўч кимсалар борлигини ҳам тан олиш керак. Гап шундаки, тўйларнинг дабдабаю айланishiда ана шундай одамларнинг "ҳиссаси" катта.

Яқинда ташкилотимиз томонидан тўй-томошалар, байрам тадбирлари, эр-талабчи ошда ва никоҳ кечасида хизмат қиладиган навбатчи хонандалар рўйхати тузилди. Рўйхатга никоҳ кечаси учун 50 нафар навбатчи гуруҳ, нахорги ош хизмати учун эса 20 нафар хонанданинг номлари киритилди. Моддий ёрдамга муҳтож, кўп болали хонанд эгаларига кўмаклашиш мақсадида ушбу эзгу ишга қўл урилди. Қувонарлики, тўй эгаларига камҳарж хизмат кўрсатиш ташаббуси хонандаларнинг ўзлари кўтариб чиқишди. Тошкент шаҳрининг Олмасор тумани ФХЕ бўлиmidан бир хона ажратилиб, рўйхат иловаси эълон қилинди. Аввал бошда бу ташаббуснинг моҳиятини тўғри тушушмагандар нотўғри талқин ҳам қилишди. Рўйхатда машҳур санъаткорларнинг номлари йўқлиги эса кўпчиликти ташвужга солди. Аввало шуни айтиш керакки, рўйхатга киритилган хонандалар ҳам музикаий маълумотга эга, профессионал ижрочилардир. Иккинчидан, улар тўйнинг бошидан охиригача "навбатчи" гуруҳ сифатида қилишган нархда (рўйхатда белгиланган) хизмат кўрсатишади. Учинчидан эса, ўз ичидини энди бошлаётган хонандалар халқнинг хизматига ўсишади, маҳоратларини ошириб боришади. Энди, таниқли хонандаларга келсак, тўй қилаётган хонанд эгалари қайси хонандага муҳлис бўлса, улар ўзаро қелишув асосида истаган хонандаларни тақлиф этишлари мумкин. Бу ҳар бир одамнинг хоҳиши, эҳтиёжидан

келиб чиқади. Шу ўринда "Нега энди таниқлиб келаётган хонандаларга нарх белгиланган-у машҳурлари бундан мустасно?" деган савол турғилиши табиий. Юқорида айтганимиздек, бу эзгу ва хайрли ишнинг бошланишида айнан ёш хонандаларнинг ўзлари ташаббус билан чиқишди. Бугун мана шу рўйхат асосида кўпгина хонандалар халқ хизматига бориб, тўй-тантаналарни кўнгулдагидек ўтказиб беришяпти. Бундан халқимиз мамнун, қолаверса, ташкилот номига миннатдорлик мактублари ҳам келяпти. Очигини айтиш керакки, одамлар ўзларининг моддий аҳволидан келиб чиқиб, гуруҳларни ўзлари танлаб, масъул ходимларга муружаат қилишяпти. Ишонч телефонла-

ри мунтазам ишлаб турибди. Мазкур ташаббусга санъатсевар халқимизга кўрсатилётган кўмак сифатида қарай билсак, бу эзгу ишдан ҳикмат излаган бўла-миз. Бугунги кунда хонандаларнинг бундай ташаббус билан чиқишларидан, назаримда, хурсанд бўлиш керак. Шундай экан, бошланган бу хайрли иш замирида халқимизга оз бўлса-да, қўлимиздан келганча наф келтириш, оғирини енгил қилишдек эзгу ҳаракат бор. Ҳозир айни тўй палласи. Халқимиз дуо қилаётганида "Ҳаммани тўйларга етказсин", деб дуога қўл очади. Бу хайрли ташаббус шарҳимизда бошланган бўлса, кейин-қайи республикамиз вилоятларида ҳам кенг қулоч ёяди. Бошланган савобли ишдан санъатсевар халқимиз мамнун бўлади, деган ниятдамиз.

Матлуба МАҲКАМОВА,
"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ходими

МУСИҚАДА ЕТТИ ПИР ТАЛҚИНИ

Таниқли ўзбек композиторларидан бири Мустафо Бафоев фаол ижодкорлардан бири. Композиторнинг Бухоро шаҳри юбилейига бағишлаб ёзган "Бухоронома" ораторияси, "Бухорон шариф" теллопера - достони, Алишер Навоийнинг "Хамса" асаридagi беш достон асосида ёзилган "Хамса" опера-балети, "Лисон ут-тайр" опера-феерияси ҳамда "Тошкент қаҳла қўшиқ" ва бошқа ораториялари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Шу йили композитор ана бир йирик асарини муҳлислар эътиборига ҳавола қилди. Ўзбекистон Консерваториясида премьераси ўтказилган "Етти пир" номли ушбу оратория муҳлис ва мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Асарда суҳандон, солистлар, аралаш хор ва оркестр ижросида мумтоз мусиқа асбобларидан миллий оҳанглариимизнинг янграши диққатга сазовор. Ўзбек композитори томонидан миллий маънавийтимиз даргалари мавзусида ҳақон мумтоз мусиқа шаклида асар яратилиши ва мусиқа шинавандаларига тақдим этилгани, шубҳасиз, санъатимиз ривожига қўшилган муҳим ҳиссадир.

— Мусиқа тилида айтганда оратория бир неча овозларни ўзаро боғлаш орқали образларни тасвирлашдир, — дейди муаллиф биз билан сўхбатда. — Қуйлаш билан боғлиқ бу асар опера жанрига яқин. Оратория кўпинча фалсафий, диний мавзуда ёзилди, ҳаётий мавзуда ёзилганлари ҳам бор. Аслида ҳаёт ҳам фалсафа. Лекин бугунги кунда оратория диний мавзу доирасидан чиқиб кетган. "Зардуштийлар маросими" мавзусидаги ораторияда тарих хусусида сўз юритилди. "Зафарнома" эса иккинчи ҳақон уруши мавзусида. Оратория исталган мавзуда бўлиши мумкин. Шостаковичнинг ораторияси "Урмон ҳақида қўшиқ" деб номланади. С. Прокофьевнинг "Александр Невский" кантатаси тарихий шахс мавзусида.

М.Бафоевдан "Етти пир" ораториясида қандай фалсафий мазмун ифодалангани, мусиқасининг ўзига хослиги ҳақида сўралам.

Бухоро вилояти ҳокимияти Пирларнинг юбилейи муносабати билан октябрь ойида ораториянинг жонли ижродаги намойишини ўтказмоқчи. Шу билан бирга, асар август ойида радиода ёзиб олинди, ҳар бир пирнинг зигъраттоҳида оратория мусиқаси таралиб туриши борасида режалар бор. Премьера куни эса бир режиссёр келиб, етти пир ҳақида фильм яратиб, унга ана шу мусиқани асос қилиб оламиз, деган тақлифни берди. Ниятлар эзгу, амалга ошса ижобий натижа бўлади, албатта.

— Биринчи қисм дебютасида одамнинг бир сиқим тупроқдан яратилиши мавзуси ифодаланган, — дея сўз бошлади ижодкор. — Флейтада ижро қилинган майин оҳангларида коинот мавзусидаги мусиқа пайдо бўлади. Най оҳангларида яқин нолишларда одамнинг, одамнинг яратилишини сокин мусиқа билан тасвирлашга интилдим. Ҳар бир пир мавзусидан аввал асарда сопрано, мецо сопраноли аёл овозлари пайдо бўлади. Бу — фаришталарнинг овози. Саид Мир Қулот, Баҳоруддин Нақибанд қисмларига келиб фаришталар овози кўпаяди. Олтинчи, еттинчи қисмларда хорнинг аёл овозлари фаришталар овозига айланиб кетади. Ҳар бир қисм аввалида суҳандон чиқиб, пир ҳақида маълумот беради. Оҳангларида бухороча мавригилар услуби танланиб, асар Бухоро мусиқаларига таяниб яратилган. Ёғжудувоний мавзусидаги биринчи қисмдан бошлаб тариқат асосчилари занжир мисол биринкетин намоян бўлади. Бу кетма-кетлик тасодифий эмас, балки Нақибандия тариқати авлиёларининг тарихий ўзвийлиги устоз-шоигир шаклида. Асарда хор зикр айтиб туради. Ҳар бир халқнинг ўзига хос зикр оҳанглари бор. Эрон, Озарбайжон, Араб мамлакатлари зикрлари шу юртлар маданиятидан, мусиқасидан келиб чиқиб ўзаро фарқланади. Марказий Осиё халқлари зикрлари бир-бирига ўхшаш. Олтинчи, еттинчи қисмларда зикр оҳанглари аяж нуктага етади. Хотима қисмидаги мусиқа услуби бироз ўзгаририлиб, унга мақом оҳанглари асос қилиб олинган.

Юлдуз ОРТИҚОВА,
филология фанлари номзоди

Умр аёл шижухи



Бошланиши биринчи саҳифада.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Қарши давлат университети билан тузилган шартнома асосида профессор Нафас Шодмонов раҳбарлигида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари ўқувчилари бадиий иқод сирлари билан ошно этаётир. Маҳорат дарслари ижодий жанрлар бўйича ташкил этилади. Олий тоифали ўқитувчи Муҳаддас Абдуҷабборов, Нафосат Азизова, Жавлон Иброҳимов каби жонқуяр муаллимлар олиб борилаётган нутқ маданияти, нотиклик санъати, ифодали ўқиш тўғрақлари ҳам ўқувчилар иқтидорини шакллантирмоқда.

Албатта, мактаб ҳаётини таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар билан учрашув, муҳим саналарга бағишланган тадбирларсиз тасаввур этмаймиз. Шу маънода ўтган ўқув йилида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Сирожиддин Саййид, Минҳожиддин Мирзо, Акмал Саидов, Нурбой Жабборов, Қозоқбой Йўлдошев, Абдурахим Эрқаев ва бошқа таниқли ижодкорлар иштирокида ўтказилган ижодий кеча ва анжуманлар, китоб тақдиротлари ўқувчиларнинг бадиий дид ва савияси юксалишида гоятда фойдали бўлди.

Янги ўқув йилининг тадбирлари янада сермазмун, — дея суҳбатни давом эттирдик Ёқутхон Жамолова. — Ўтган йилдаги энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда “Абдулла Орипов ва мустақиллик”, “Абдулла Орипов — Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси муаллифи”, “Она тили — миллат шони ва жони”, “Абдулла Ориповнинг ижтимоий фаолияти”, “Шоир ижодида аёл ва она образи, баҳор ва муҳаббат вафси”, “Соҳибқирон” драматизмининг ёзилиш тарихи, “Буюк Дантенинг моҳир таржимони” каби мавзуларда анжуман, ижодий кеча ва учрашувлар ўтказиш, вилоят телевидениеси ҳамкорлигида “Абдуллонома” кўрсатувини, келаси йил март ойида эса ижод мактаблари ўқувчилари билан “Қўниртов оҳанглари” семинарини ташкил этиш ниятидамиз. Шу йил 29 январь куни Президентимиз иштирокида барча ижод мактаблари билан ўтказилган онлайн-мулоқот, мушоира мунтазам давом эттирилмоқда. Бундай видео-мулоқот, баҳс-мунозара, технологик ўйинлар, шунингдек, ўзаро борди-қелдилар орқали тақрибга алмашув самарали кечаётир. Айни пайтда, энг яхши ижодий ишчиларга оид қўрик-танловимиз ҳам давом этади.

Яхшигина спорт зали, сузиш ҳавзаси, бой кутубхона, Абдулла Орипов музейи, интернетда яшаётганлар учун тўрт маҳал оқват — ўқувчиларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун пухта заминдир. Ижодкор муаллимларнинг гувоҳлик беришича, ҳозир мактабнинг Васийлар кенгаши тузилаётган экан. Шу асосда аълочи ўқувчилар учун махсус стипендия ташкил этилиши, ёшларнинг ижод намуналари чоп этиладиган баёзлар наشري ҳам ҳал этилади.

Ижод мактаблари Халқ таълими вазирлиги тизимида қарайди. Амалдаги мезонларга қўра, мактаб синфларидаги ўқувчи сони умумтаълим мактаблари учун белгиланган умумий талабдан келиб чиқиб тузилган ва бир синфда ўттиз ўқувчи таълим олишини қўзда тутди. Ижод мактабнинг бошқа мактаблардан фарқи ва ўқитиш жараёнилари ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда синфларда ўқувчи сонини нисбатан камроқ белгилаш мақсадга мувофиқ эмасми? Муаллимларнинг бу тақлифда соғлом мантиқ бор. Модомики, бугун жамият ҳаётидаги барча жараёнлар янги замон руҳида тақомиллаштириб борилаётган экан, бу тақлиф ҳам мутасаддилар томонидан қўриб чиқиладиган, деган умиддамиз.

Ўзбекистон халқ устаси Баҳодир Ни-

ёзов томонидан ишланган бадиий ҳайкалтарошлик ишлари эса Ерқўрғондан топишган қадимий осори атиқалар тимсолларини ўзида муҳассамлантирган. Маълумки, қадим Нақшбанд араблар томонидан Насаф деб талаффуз этилган ва шаҳарнинг икки минг етти юз йиллик тарихи Қашқадарё соҳилидаги Ерқўрғон харобаларидан топишган маданий қатлам, ҳукмдорлар зарб этган тангалар ҳамда ёқутдан ишланган муҳрлар, улардаги нафис тимсоллар, аёл маъбудалар ва зеб-зийнат ашёлари, турли хунармандлик буюмлари, зардуштийлар ибодатхонаси ва тутатқидон, ёритқич ёдгорликлар орқали ўз исботини топган.

Баҳодир Ниёзов ана шу осору атиқаларга муҳрланган тасвирлар — бош қисми тулпорга мензалаган аждаҳо устидаги ҳукмдор-чавандозга олтин жомда муҳаддас ичимлик тутатқидон маъбуд, илоҳ тасвирланган ҳайкалчалар, III — IV асрларга оид феруза тош билан безатилиб, ялтироқ чиганок ўрнатилган типратикон шаклидаги тилло тақинчоқ ва бошқа миниатюра асарлари асосида яратган композиция ёшларимизни нафақат ўтмиш маданиятимиз анъаналари билан таништирадиган, айни чоғда, жаҳон маданий тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган аажодларимизнинг бой маънавий мероси ва бекиёс санъати билан ҳам ошно этади, ватанпарварлик туйғусини камол топтирадиган.

Бог рўпарасидаги собиқ футбол ўйингоҳи ўрнида қад кўтарган — қанотини кенг ёзиб турган оқуш тимсолидаги мовий тўсли сузиш комплекси ҳам элимиз фарзандларининг соғлом бўлиб улғайиши йўлида оталаримиз кўрсатётган буюк ғамхўрликнинг рамзидир.

Қадим Шаҳрисабз эса, 6-10 сентябрь кунлари ўтказиладиган Биринчи халқаро маком санъати анжуманига катта тарафдўр бўлиб қўрилади. Шу муносабат билан 124 километрлик Қарши — Шаҳрисабз темир йўл тармоғи юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларга мослаб қайта қурилди ва электрлаштирилди, станциялар, туризм объектилари ишга тушди. Жаҳоннинг турфа мамлакатларидан халқаро анжуманга таширф буюрадиган меҳмонлар Шаҳрисабзга “Афросиёб” поездида борадилар. Гоят қисқа муддатда амалга оширилган бундай ободончилик ишлари Ватанимизнинг бекиёс қучқудратли ва халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этаётир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” муҳбири

Таниқли шоир ва журналист Собира Бўлдиевнинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Тафаккур жавҳари меъморлари” номли китобини ўқиб, ҳадис илмининг қомил устози Имом Бухорий ҳаётидан лавҳалар, тасаввуф илмининг қомил пирлари Юсуф Ҳамадоний, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Бобо Самосий, Саид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд шахслари ҳамда таълимотлари ҳақида ҳикоялар, талқинларга гувоҳ бўласиз. Муаллифнинг тарихга, буюк сиймолар, қадим қадриятларга янгича ёндошгани, талқинда бадиийлик, самимийлик, холисликни сақлагани сизга манзур бўлади. Бухоро ва унга ёндош шаҳарлар ҳақидаги бу тарихий, илмий-оммабоп бадиалар ўқувчи қалбида буюк бобокалонларимиз билан фахрлиши, илм-маърифатга макон бўлган юртимиз билан ғурурланиш туйғуларини жўш урдиради.

Муаллиф ўзининг эзгу истагини шундай баён этади: “Мен охириги ўн-ўн беш йил давомида ўқиб-ўрган-

ганларимни, тунлари бедор бўлиб сурган ҳаёлларимни, ақлим етганича топган фикр-мулоҳазаларимни эртақ тарзида баён этмоқчи бўламан; ахир, биз болалиқда эртақларга қизиққан эдик, нега шу беғуборликни яна бир бор ҳаётдан ўтказиш мумкин эмас, деб тахмин қиламан, Оқ туянинг эртақларини сизлар ҳам билишингизни истаيمان”. Дарвоқе, муаллиф китобига “Оқ туя эртақлари”ни иккинчи ном қилиб қўйган.

Қуйида эътиборингизга С.Бўлдиевнинг “Тафаккур жавҳари меъморлари” китобидан бир лавҳа ҳавола этилаётим.



Кўнгил айтганларини қилиб Бухоронинг Биби Ойбиноқ маҳалласида кезиб юрибмиз.

Ойбиноқ кўчасини маҳаллий аҳоли Биби Ойбиноқ деб ҳам атайди. Амирликда иноқ лавозимида ишлаган кишининг хотини бу маҳаллада бир масжид қурдирган. Маҳалла номи иноқнинг хотини номига “Ойбиноқ” дея, яъни аёл кишига нисбатан “Ой” сўзи қўлланилган ҳолда айtilа бошланган. Иноқ лавозимида ишлаган амалдорнинг вазифаси амир фармойишларини беклардан бошқа табақаларга етказишдан иборат бўлган.

Тарихан хонлик даврида “Иноқ” лавозими бўлганлиги эътироф этилмайди. Шунга қўра, иноқ амирлик даврида жорий этилган янги лавозим бўлган. Шундай экан, маҳалла амирлик давридан бошлаб Ойбиноқ номи билан маълум бўлади.

2006 йилнинг ёзида Лабиҳовузмажмуасида яна бир жой — Биби Ойбиноқ масжиди ишга тушиб, бу ернинг кўрки ўзгача бўлибди. Масжид 1857 — 1858 йилларда қурилган бўлиб, ҳақиқатан ҳам мангитлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Масжидга юзма-зи турган Иброҳим Охун мадрасаси бор. Мадраса масжиддан 50-60 йиллар илгари қурилган экан. Иброҳим Охун мисгар бўлган дейишди. Масжид имомни домла Мухаммаджоннинг айтишича, Бухоро шаҳрининг шўро давригача бўлган ҳаритаси топилибди. Шунга қўра, Биби Ойбиноқ масжидининг олд томонида ҳовуз, ҳовуздан шаршера томонда яна бир мадраса бўлган. Шу атрофда қабристон бор. Масжиднинг олд томонидаги уй аслича сақланмоқда. Ҳовуз ўрни ҳам очилиб асл ҳолига қайтарилган. Бу ер қабристон

бўлганлиги ҳам аниқ. Масжид айвонига юзма-юз бўлган хонадонда қабр бор. У қабрни халқ Биби Ойбиноқ қабри деб, асраб қолган экан.

Ривоятда айтилишича, қўиларнинг жуни тиканлар устида илиниб қоларкан, Биби Ойбиноқ шу жуларни йиғиб ундан ип йиғириб сотар, ортирган маблағига масжид қурдирган экан. Ривоят мазмунига қўра, Биби Ойбиноқ хунарманд аёл бўлган.

Биз саёҳат бошлаган Биби Ойбиноқ маҳалласи Дегрезлар, Пойи Остона, Мухаммад Порсо кўчаларини шаҳарнинг ёруғ бир маскани — Лабиҳовузм бўйига олиб чиқади. Ҳозирда бу маҳалла тарихийлигидан қўра, мазали нони билан машҳур. Бухоронинг тансиқ нонлари шу ерда ёпилади. Кимки тўйга шу ернинг нонидан харид қилса, унга барака қўшилади. Кампирлар бу нонларни дарров танийдилар. Тўй-маъракаларда шу нондан синдираётди, “Ох-ох, бибиғинамининг бу нонлари” деб дуо қиладилар. Эски шаҳарликлар унча-бунча нарсани тан олишмайди. Аммо яхшиликни унутмайдилар. Биби Ойбиноқни билганлар ҳар гал бу ернинг нонини ушатаётди, масжид қурдирган аёл номини эсга оладилар.

Бу ерда яшайдиган одамлар феълидан баъзан завқланасиз, баъзан ҳайратланасиз. Завқ ва ҳайратимизнинг боиси, уларнинг феълидаги ғурур. Ғурур тарихдан фахрлиши боис юзга келган десак янглишмаймиз.

Ойбиноқ кўчаларида кечалари ой кезади. Ой ойна каби ялтиллаб турган ҳовлиларда ўз аксини қўради. Ойбиноқда ой қизининг қалбига айланди. Пештоқлар нақшидаги ҳар бир чизик ҳиссиётларнинг аксини намоён этади. Ой этакларидан шу нақшларга шуъла тўқади.

Пештоқларни эркалаган ой Чор Минорда алла айтади. Лабиҳовузм унга ошқим, сув юзида қалқиб юрар ой. Айвонларга юлдуз қўнади. Пастак томда тарнов ёнида ҳайрат ухлаб ётган бўлади. Қиз томининг устида қўрпасин йиғиб, зардолло дарахтининг шохига қўяра.

Тутлар ойга тазйим қилади. Устунларга чирмашар шуъла. Ой кўсига бош қўйиш учун Чор Минордан юксалар садо. Азон тинглаб ҳарир рўмолни кирғоғида ўлтирар дунё. Ой ой эмас, фаришта эди. Азон тинглаб, ой, ойга айланиб, самоларга кетгиси келар. Тонг уфқ жомига майдек қўйилиб, ишқнинг оловидан қизариб кетар...

Ойбиноқнинг кўчасида жим, Кичик ҳужра томининг пастиди, Кечалари Ойни қўзатдим, Бўйра тўшаб айвон устиди. Нақшларга берди у жилдо, Мунгли ҳовуз тоқининг пастиди. Чор Минорнинг устуни аро, Танлирларнинг устуни қўли. Болинчага ёнбошладди Ой, Уйқусдан уйғотди тунни. Солда дунё қўйнига қирди Хузуранли, ўй суриб қолди. Фарзанди йўқ Мухаммад бобо Тутларига бешиқлар илди. Кетатуриб Ойбиноқда жим Эшиқларни азона оқди. Супазорлар узра баҳмал гул Баргларига шабнамлар сочди.

ЭЪТИРОФ



Таниқли шоира Зулфия Мўминованинг “Woman is Unbeatable” (“Аёлни енгиб бўлмайди”) номли шеърӣ тўплами Америка Қўшма Штатларида чоп этилди. Таржимон Асрор Аллаяров.

Тўпламга киритилган шеърлардан бири “Туфилчалар” Германиядаги музейда Иккинчи жаҳон уруши қурбони бўлган эркак, аёл ва болалар оёқ кийимлари ҳамон сақланаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу нарсани унинг инглиз тилидаги вариантда ҳам шундай талқин этилган. Ушбу шеър жаҳоннинг машҳур нашрлариданида ҳам чоп этилди, шунингдек, бутунжаҳон шоирларининг Польшада нашр этилган халқаро антологияси-

дан ўрин олди. Британиялик ва канадалик ижодкорлар ташаббуси билан чиқарилган китобга ҳам киритилди.

Ижодкорнинг Орол денгизи муаммоларига бағишланган “Орол денгизи” номли шеърини ҳам эътироф этиш лозим. Денгизга мурожаат тарзида ёзилган шеърда унинг бугунги кундаги ҳолати баён этилган. Шоира Оролга она сифатида мурожаат этган ва барчани унинг сабоқларидан ҳулоса чиқаришга ундаган. Шеърнинг инглиз тилидаги вариантда ҳам шундай мазмун тўла ифодаланган. Китобдаги бошқа шеърлар ҳам таржимада аслиятидаги мазмун-моҳиятини сақлаб қолган. Таъсирчан ва эътиборни тортадиган даражада инглиз тилига ўғирилган.

Бахтиёр ОМОНОВ,
Қўқон Давлат педагогика институтини чет тиллар факультети ўқитувчиси.

ЧАРХ АЙЛАНАДИ

Риштон қулоччилик санъатини моҳир уста Алишер Назиров ижодисиз тасаввур қилиш қийин. У анъанавий ва замонавий санъатни уйғунлаштирган ҳолда миллий қулоччиликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Уста мамлакатимизда ва хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси, “Ташаббус” Республика халқ хунармандлиги ташкилотининг қолибдир. А.Назиров 1998 йили Риштонда қулоч-усталар мактабини очиб, ҳозирги кунгача ёшларга хунар сирларини ўргатиб келмоқда. Уста тупроқни эъзозлайди, у билан тил топишди, натижада тупроқ исми кўнгил нуриларига қоришиб, санъат асарига қўчади. У яратган буюмларда Шарқнинг ўзига хос назокати ва нафосати мужассам. Уста залворли чархин меҳр билан айлантириб, мўъжизахор шакллар ясайди, турли ўлчамадаги лаганларга ранг-баранг гулларни завқ билан қизди. Унинг ҳар бир ишида меҳр-муҳаббат барқ уриб туради.

Кўни кеча Ўзбекистон Балий академиясида очилган кўргазма Алишер Назиров таваллудининг қўтлуг санасига бағишланди. Экспозицияда қулочнинг энг гўзал асарлари намойиш этилмоқда.

Уста қулоч нозик нақшлар яратиш, предметлар шакллари аниқ намоён қилиб, идиш юзасида натюрморт композициясини чизади. Унинг қўлидан чиққан қўллаб беақли композициялар “Назирова услуби” номи билан қўлчилик усталар учун намунага айланган. Юртимизда усадиган ўсимликлардан ранг олиб, қулоччилик буюмларини сирлаб бошлагани устанинг ижодий ютуқларидан биридир. Машҳур қулочлар Мусо Исмоилов ва Шарофиддин Юсупов ҳам шундай усулда ижод қилишган. А.Назиров доимо изланишда, янги технологияларни ўрганишдан тўхтамайди. Унинг асарлари Россия, Япония, Франция, Англия, Германия ва қўллаб Осиё ва Америка мамлакатлари музейлари коллекцияларини беэаб турибди.

С.ҚОСИМОВА,
А.ПОПОВ олган сурат

Бош

муҳаррир

Ўқтам

МИРЗАЁР

ТАХРИРАТГА КЕЛГАН ҚЎЯМЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛМАЙДИ ВА МУАЛЛИФЛАРГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. МУАЛЛИФЛАР ФИКРИ ТАХРИРАТ НУҚТА НАЗАРИДАН ФОРҚЛАНИШИ МУМКИН.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 11.05

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби — 5950. Бўртма Г — 882. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

7 7 2 1 8 1 6 3 4 0 0 0

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси жамоаси таҳририят собиқ фотомуҳбири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналисти Содиқ Маҳкамовга ўғли

Феруз МАҲКАМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳа.иқор.лари.иш.з:

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60